Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Малака ошириш институти

АХБОРОТНОМАСИ

№ 4 (15) 2025

Тошкент – 2025

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

***Бош муҳаррир*:**
Олимжон АҲМЕДОВ

***Жамоатчилик Кенгаши таркиби*:**
Нуриддин НОРМАТОВ
Баҳодир МАТЛЮБОВ
Даврон НАЗАРМУҲАМЕДОВ
Умидбек НУРУЛЛАЕВ

***Ҳайъат аъзолари*:**
Олимжон АҲМЕДОВ
Улуғбек РАСУЛЕВ
Карим НОРМАТОВ
Жўрабой ТОШҚУЛОВ
Фарҳод ХАТАМОВ
Музаффар ТОЖИБОЕВ
Меҳмонали СУВАНҚУЛОВ
Эркин МАРУПОВ

Таҳририят:
***Масъул муҳаррир*:**
Карим НОРМАТОВ
Саҳифаловчи:
Маъруф РАҲМОНОВ
Дизайнер:
Нурмахон ТАСИМОВ

Муассис: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти

2026 йил – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида, лотин, кирилл ёзувида чоп этилади.

Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги учун муаллиф жавобгардир.

Журналдан кўчириб олинган манба кўрсатилиши керак.

***

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Ахборотномаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 20 майда №1630-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги “Малака ошириш институтининг Ахборотномаси” илмий-амалий журнали 2023 йил 15 июнда ОАК раёсатининг 339/6-сон ҳамда 2024 йил 28 июндаги ОАК Раёсатининг 356/5-сон қарорларига асосан юридик ва тарих, сиёсий ва фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва фан докторлари (DSc) илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий илмий нашрлар рўйхатига киритилганлигини маълум қилади.

БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш нафақат экологик, балки ижтимоий масалага айланиб бўлди. Глобал муаммо замирида, энг муҳими инсон омили ва саломатлигини ҳимоя қилиш вазифаси турибди. Экологик ҳаракатларни амалга оширишда одамлар асосий иштирокчига айланмоқда. Масалан, фуқаролар, айниқса ички ишлар ҳодимлари ўзлари бошқараётган автотранспорт воситасининг экологияга таъсири учун масъулдир. Ҳозир эса юрт аҳли барча транспорт ҳайдовчилари ҳам ҳаво тозалигига, уни авайлаб асрашга ҳозиру нозир бўлишлари керак.

Юртимизда мамлакат Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 28 ноябрдаги тегишли қарори билан Ўзбекистонда янги механизм – *автотранспорт воситаларидан чиқариладиган зарарли моддаларни назорат қилишга қаратилган* ***“Экологик транспорт”*** *тизими жорий этиляпти. 2026 йил 1 январдан бошлаб барча автотранспорт воситалари экологик тоифа ва синфларга ажратилиб бошқарилади. Улар асосида экостикерлар бериш тартиби* белгиланди.

Экологик стикерлар ҳақида маълумотлар аввалроқ пайдо бўлгани учун юртимизда уларнинг жорий этилиши ва транспорт воситалари ҳудудларда экологик белгига кўра ҳаракатланади. 2026 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистонда **“Экологик транспорт”** тизими ҳудудларда уч босқичда амалга оширилади. Янги механизмнинг *биринчи босқичи* 2026-2027 йилларда Тошкент шаҳрида, *иккинчи босқичи* 2028-2030 йилларда Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида, *учинчи босқичи* эса 2031-2034 йилларда бошқа барча ҳудудлар амалиётида қўлланилади.

Улар уч хил – **яшил, сариқ ва қизил** рангда бўлиб, экологик тоифаларни англатади: *яшил – “тоза”, сариқ – “ўртача”, қизил – “зарарли”* экологик даражалар белгиларидир.

Фуқаролар эса экостикер олиш орқали ўз автомобилининг атроф-муҳитга қанчалик таъсир кўрсатаётганини билиш баробарида, яъни бу борада мустақил назоратни амалга оширади. Шу тарзда экологик чора-тадбирларнинг асосий иштирокчиларидан бирига айланади.

Малака ошириш институт домлалари ва ходимлари ўта муҳим компания: атроф-муҳитни тозалашнинг фаолларига айланиб, ўқув жараёнларига ҳам тадбиқ этадилар.

Долзарб мавзулар

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда барча ҳуқуқ ва эркинликларимиз, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, бирлик ва ҳамжиҳатлик, ортга қайтмас демократик ислоҳотларимиз кафолати бўлган Асосий қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини янада чуқур ҳис этмоқдамиз.

Ҳеч шубҳасиз, халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккури ҳамда юксак хоҳиш-иродасининг ифодаси бўлган Конституциямизда муҳрлаб қўйилган қоида ва тамойиллар Янги Ўзбекистонни барпо этишда барчамиз учун беқиёс куч-ғайрат, ишонч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, янада кенг ваколат ва масъулиятга эга бўлган миллий парламентимиз ҳамда илк марта маҳаллий Кенгашлар депутатлари орасидан сайланган раислар бошчилик қилаётган вилоят Кенгашлари, жамият бошқарувида ўрни ва нуфузи тобора ортиб бораётган маҳалла институти фаолияти мисолида халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи экани ҳақидаги конституциявий қоиданинг амалий тасдиғини кўрамиз.

Айниқса, янги парламентимиз томонидан жорий йилда судлар фаолияти ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтиришга оид қонунлар ҳамда юртимизда дўстлик, ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, инклюзив жамият, ёшлар, хотин-қизлар масалалари, кам таъминланган инсонлар манфаатларини ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш бўйича кўплаб муҳим қарорлар қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Маҳаллий кенгашлар ҳам ўз ҳудудларидаги долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Улар томонидан ўтган даврда 25 мингдан зиёд масала муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул

қилингани, мансабдор шахсларга 14 мингга яқин депутатлик сўровлари юборилгани ҳам шундан далолат беради.

Вакиллик органларини чинакам халқ минбари, халқ овозига айлантиришга қаратилган ислоҳотларимизнинг давоми сифатида 2026 йилнинг 1 январидан туман ва шаҳарларда ҳам ҳоким ва Кенгаш раислари вазифаларини алоҳида ажратиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширамиз.

Бир сўз билан айтганда, халқ ҳокимиятчилиги, вакиллик демократияси, Конституция ва қонун устуворлиги каби конституциявий принципларга бундан буён ҳам содиқ қолиб, ушбу йўналишдаги ислоҳотларимизни янада қатъий давом эттирамиз.

Ҳурматли дўстлар!

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда инсон қадри, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. ***“Конституция – инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!”*** деган эзгу ғоя асосида ўтказилаётган бу йилги байрам тадбирлари орқали шу йўлда эришган ютуқларимиз чуқур таҳлил қилиниб, янги ва долзарб вазифалар белгилаб олинмоқда.

Кейинги вақтда барча соҳа ва тармоқларда қўлга киритаётган натижаларимизга шу нуқтаи назардан баҳо берар эканмиз, уларнинг замирида, энг аввало, инсонпарварлик ва халқпарварлик тамойиллари мужассам эканини ва улар ўз самарасини бераётганини алоҳида қайд этиш ўринлидир. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилда аҳоли жон бошига даромад 3 минг 500 долларни ташкил этгани, мактабгача таълимда қамров 78 фоиз, олий таълимда эса 42 фоизга етгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 73,8 ёшдан75,1 ёшга узайгани ва бошқа рақамларни келтириш мумкин.

Конституциямизга асосан давлат зиммасига юклатилган ижтимоий мажбуриятларни бажариш ҳамда юртимизда ижтимоий давлат барпо этиш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1 миллион нафардан зиёд фуқаро камбағалликдан чиқарилди, камбағаллик даражаси 6,6 фоизга туширилди.

Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, халқимиз учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш, мустаҳкам ҳуқуқий тизим ва очиқ жамият барпо этиш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларимиз дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда.

Масалан, 2025 йилда Барқарор ривожланиш мақсадлари индексида Ўзбекистон 19 поғонага юқори кўтарилиб, Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақасида энг жадал ривожланаётган мамлакат сифатида қайд этилди. Глобал инновация индексида юртимиз Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари бўйича кучли учликдан жой олди. “S&P”, “Fitch” ва “Moody’s” каби нуфузли халқаро агентликлар томонидан Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтинги оширилди.

Нуфузли халқаро анжуман – ЮНЕСКО Бош конференцияси сўнгги 40 йил давомида биринчи марта Париждан ташқарида, яъни, Самарқандда муваффақиятли ўтказилгани ҳам жаҳон ҳамжамияти томонидан муҳим воқеа сифатида эътироф этилмоқда.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Ислоҳотларимиз ҳал қилувчи босқичга кираётган бугунги кунда биз Конституциямизнинг ҳар бир нормасини давлат ва жамият ҳаётида амалий фаолият мезонига айлантиришимиз зарур. Айниқса, ёшларимизга Асосий қонунимизнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўргатиш, уларни конституциявий қадриятлар асосида юксак онгли ва ватанпарвар фуқаролар, сиёсий тафаккур ва ҳуқуқий маданият эгалари этиб тарбиялаш олдимизда турган ғоят муҳим вазифадир.

Фақат Конституция ва қонунларимизга чуқур ҳурмат, пухта ҳуқуқий билим ва амалий тажриба асосидагина биз давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиб, Ватан ва халқ олдидаги фарзандлик бурчимизни шараф билан адо эта оламиз. Шундагина Бош Қомусимизнинг ҳаётбахш кучи, бунёдкорлик салоҳияти амалда янада ёрқин намоён бўлади.

Барчамиз учун миллий мустақиллигимиз, ғурур ва ифтихоримиз тимсоли бўлган Конституциямиз шарафланадиган ушбу қувончли айём муносабати билан сизларни яна бир бор чин дилдан табриклайман.

Сиз, азиз юртдошларимга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларингизга тинчлик-тотувлик ва фаровонлик тилайман.

Конституциямиз ва барча ютуқларимизнинг ижодкори бўлган мард ва олижаноб халқимиз доимо омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
8.12.2025. ЎзА.

ПРАЗДНИЧНОЕ ПОЗДРАВЛЕНИЕ НАРОДУ УЗБЕКИСТАНА

Дорогие соотечественники!

Искренне, от всего сердца поздравляю вас, весь наш многонациональный народ с Днем Конституции Республики Узбекистан – 8 декабря и выражаю всем вам свое уважение и самые добрые пожелания.

В этот знаменательный день мы особенно глубоко ощущаем роль и значение Основного закона в нашей жизни – гаранта всех прав и свобод, мира и стабильности в стране, единства и согласия, необратимости демократических реформ.

Нормы и принципы, закрепленные в Конституции, являющейся воплощением политико-правового мышления и свободного волеизъявления нашего народа, несомненно, служат всем нам источником огромной силы, уверенности и вдохновения в построении Нового Узбекистана.

Так, практическое подтверждение конституционного принципа – народ является единственным источником государственной власти – мы видим прежде всего на примере деятельности национального парламента, наделенного еще более широкими полномочиями и ответственностью, областных Кенгашей, которые впервые стали возглавлять председатели, избранные из числа депутатов местных Кенгашей, института махалли, чья роль и авторитет в общественном управлении все более возрастают.

Следует особо отметить, что в этом году новым парламентом были приняты законы, касающиеся деятельности судов, усиления гарантий прав и свобод граждан, множество важных решений по укреплению атмосферы дружбы и согласия в стране, вопросам инклюзивного общества, молодежи, женщин, защиты интересов малообеспеченных людей, сокращения бедности, бережного сохранения национальных ценностей.

Местные Кенгаши также активно работают над решением актуальных социальных проблем в своих регионах. За прошедший период ими рассмотрено более 25 тысяч вопросов с принятием соответствующих решений, должностным лицам направлено около 14 тысяч депутатских запросов.

Чтобы представительные органы стали подлинно народной трибуной, голосом народа, с 1 января 2026 года мы также осуществим необходимые меры по разделению с 1 января 2026 года в районах и городах функций хокимов и председателей соответствующих Кенгашей.

Оставаясь приверженными конституционным принципам народовластия, представительной демократии, верховенства Конституции и закона, мы еще решительнее продолжим реформы в этом направлении.

Уважаемые друзья!

Как известно, в последние годы в нашей стране как никогда важное значение придается защите чести и достоинства человека, обеспечению прав и интересов граждан. В нынешнем году в ходе праздничных мероприятий, воплощающих в себе благородную идею ***«Конституция – гарант чести и достоинства человека, свободы, равенства и справедливости!»***, всесторонне анализируются наши достижения на этом пути, определяются новые и актуальные задачи.

Оценивая достигнутые за прошедший период результаты во всех сферах и отраслях, нужно особо подчеркнуть, что в их основе прежде всего лежат принципы гуманизма. Обратимся к фактам: Если обратиться к фактам, можно отметить, что в этом году доход на душу населения составил 3500 долларов, охват дошкольным образованием достиг 78 процентов, высшим образованием – 42 процентов, средняя продолжительность жизни наших граждан увеличилась с 73,8 до 75,1 года, и таких примеров немало.

В соответствии с Конституцией осуществляется большая работа по выполнению социальных обязательств государства, построению социального государства в нашей стране. Так, из бедности были выведены более 1 миллиона граждан, уровень бедности снизился до 6,6 процента.

Наши масштабные реформы на пути устойчивого развития экономики, обеспечения достойного уровня жизни народа, создания прочной правовой системы и открытого общества получают признание мировой общественности.

В 2025 году в Индексе целей устойчивого развития Узбекистан поднялся на 19 позиций и вошел в число стран с самыми высокими темпами прогресса в достижении Целей устойчивого развития в регионах

Восточной Европы и Центральной Азии в этом направлении. В Глобальном инновационном индексе наша страна вошла в тройку сильнейших среди стран Центральной и Южной Азии. Такие международные агентства, как «S&P», «Fitch» и «Moody's», повысили суверенный кредитный рейтинг Узбекистана.

Впервые за последние 40 лет авторитетный международный форум – Генеральная конференция ЮНЕСКО была успешно проведена за пределами Парижа, в Самарканде, что также признано в мировом сообществе важным событием.

Дорогие соотечественники!

Сегодня осуществляемые нами реформы вступают в решающую фазу, и мы должны превратить каждую норму Конституции в критерий практической деятельности в жизни государства и общества. Нашей чрезвычайно важной задачей является всестороннее разъяснение молодежи сути и содержания Основного закона, ее воспитание на основе конституционных ценностей истинными патриотами с высоким самосознанием, политическим мышлением и правовой культурой.

Мы должны глубоко чтить Конституцию и законы, обладать прочными правовыми знаниями и практическим опытом, только тогда мы сможем активно участвовать в управлении делами государства и общества, с честью нести свой сыновний долг перед Родиной и народом. Только тогда еще ярче проявится жизнеутверждающая сила и созидательный потенциал нашего Основного закона.

Еще раз от всей души поздравляю вас с этим замечательным праздником Конституции, ставшей для всех нас символом национальной независимости и гордости.

Желаю вам, дорогие соотечественники, здоровья, счастья, успехов, мира и благополучия вашим семьям.

Слава нашему мужественному и благородному народу – создателю Конституции и творцу всех наших достижений!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Президент Республики Узбекистан
8.12.2025. УзА.

Олимжон АҲМЕДОВ,
Малака ошириш институти бошлиғи, профессор, полковник

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ – МАҲАЛЛА ВА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Қонунлар ижросини самарали ташкил этиш, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш, қонун бузилишининг салбий оқибатларига қарши курашиш билан бирга, бундай ҳолатни барвақт бартараф этишга қаратилган тизимни шакллантириш айниқса долзарбдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

2016 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг **“Ички ишлар органлари тўғрисида”**ги қонуни қабул қилиниб, 2017 йил 9 февралда Ўзбекистон сиёсий етакчиси Шавкат Миромонович Мирзиёев ИИО органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган **“Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинмоғи зарур”** мавзусидаги маърузасида:*”Энг муҳими – халқимиз ўз ҳаётидан ва давлатидан рози бўлиб яшашини таъминлаш бугун барчамизнинг бош вазифамиздир. Ўйлайманки, асосий вазифаси мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ҳамда аҳоли осойишталигини таъминлаш бўлган ички ишлар органларидан халқимиз бугунги кунда розими, улар фаолияти замон талабларига мос келадими ёки йўқми, деган саволга жавоб бериш вақти келди”,* – деган эди. Дарвоқе, хокимликлар, прокуратура ва ички ишлар органлари, жамоат ташкилотлари бир ёқадан бош чиқариб, оқилона иш олиб бораётган бўлса, ўша ерда одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшаяпти ҳамда вазият барқарор ҳолда, тўққиз йил олдин айтилган бўлса-да, ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Очиғини айтганда, муҳтарам Президентимизнинг улуғвор: *“Биз жиноятчиликка қарши курашишда профилактика ишларини кучайтиришимиз, айниқса, қуйи поғонадаги ишларни тубдан*

ўзгартиришимиз зарур ва шарт”, – деган долзарб ғоялари асосида ислоҳотлар изчил тарзда давом эттирилмоқда. Бу борада 2026 йилдан республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш, тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликни содир этишга сабаб бўлаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ижтимоий профилактика чоралари тизими орқали ҳал этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш ўта муҳим чора-тадбирлар сифатида белгиланмоқда. Шу боис ҳам 2026[1] йил – **“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”**, деб номланди.

Шу билан бирга маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштириш, содир этиладиган қонунбузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва комплекс чора-тадбирлар билан манзилли бартараф этиш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимининг самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифа сифатида намоён бўлиши содир этилади.

Муҳтарам давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2025 йили 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига тақдим этган Мурожаатномада шундай қайд қилдилар: “*Барчамиз учун ҳам ота, ҳам она бўлган маҳаллага, шу асосда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусининг юқорилиги ушбу институт аввало ижтимоий бирдамлик манбаи эканини кўрсатади. Албатта, биз учун ҳозирги глобал тараққиёт даврида, дунёда ўта кескин ва таҳликали жараёнлар юз бераётган бугунги кунда миллий бирлик ниҳоятда муҳим ва зарур. Донишманд боболаримизнинг* ***“Бирлашган – ўзар, бирлашмаган – тўзар”,*** *деган ҳикматли мақоли бор. Чиндан ҳам, қаранг, кимки бирлашди – ҳаётда ўзди, ғалабага эришди. Кимки бирлашмади – тўзиб, йўқ бўлиб кетди.*

Тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, биз аввало бирдамликдан куч олдик. Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қийинчиликларни енгган. Оила – оилага, қўшни – қўшнига кўмак бериб яшаган. Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга

[1] Ҳуррият. 2025 йил 27 декабрь.

доимо содиқ қолишимиз, ёш авлодимизни айни шу руҳда тарбиялашимиз керак.

Бугунги кунда жамиятимизда турли хил фикр ва қарашлар бўлиши табиий. Бу – демократиянинг бирламчи талаби. Аммо, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бутун эл-юртимизни бирлаштирадиган улуғ бир ғоя бор. У ҳам бўлса, Ватан манфаати халқимиз манфаатидир. Мана шундай буюк мақсадга эришишда маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёс. Чунки, маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади[2].

Албатта, уч йил олдин маҳаллага бўлган Сиёсий етакчининг алоҳида эътиборига назар ташлайлик. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги **«Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»**ги ПФ-158-сон Фармонининг устувор мақсадларига эришиш, шунингдек, масъул давлат органлари ва ташкилотларининг мамлакат маҳаллаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини сўнгги 2, 3 йилда сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида **«Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш»** устувор вазифа этиб белгиланди. Президентнинг 2025 йил 3 январдаги *“2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПҚ-1-сон қарори асосида ишлар комплекс тарзда ташкил этилди.

Шунингдек, 2025 йил декабрдаги Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ўн иккинчи ялпи мажлисида *“Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”*ги қонун муҳокама қилинди.

Қонуннинг қабул қилиниши маҳаллаларда хавфсиз муҳитни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича жойларда профилактика инспекторларининг иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.[3]

[2] Ҳуррият. 2025 йил 27 декабрь.
[3] Халқ сўзи. 2025 йил 20 декабрь.

Жиноят содир этилган ҳар бир маҳаллада криминоген вазиятни барқарорлаштириш ҳамда жиноятларни барвақт профилактика қилишнинг маҳаллалар кесимида *чораклик манзилли* чора-тадбирларини белгилаган ҳолда **маҳалла – туман – вилоят** даражасида унинг ижроси учун бевосита масъул раҳбарлар бириктирилди ва аниқ соҳавий жавобгарлик юкланди. Криминоген вазият бироз оғир бўлган маҳаллаларда илмий-амалий ёндашувлар асосида жойларга чиққан ҳолда мақсадли ўрганишларни ўтказиш орқали ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлаётган асл омилларни аниқлаш ва барҳам бериш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Маҳаллаларда ёшлар, аёллар ва ишсизлар томонидан, шунингдек, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда **«маҳалла еттилиги»** ҳар бир вакилининг аниқ масъулияти белгилаб олинди ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига янгича иш услублари татбиқ қилина бошланди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш, жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга жамоатчилик вакиллари, нуронийлар ва *маҳалла еттилиги фаоллари* кенг жалб этилди. Улар жамоат жойлари ва яшаш хонадонларида хавфсиз муҳит яратиш, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига нисбатан ҳар қандай тажовузларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига замонавий рақамли технологиялар ҳамда техник воситалар кенг жорий этилди.

Маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича ҳар бир масъул идора ва муассаса томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижалари юзасидан муҳокамлар ўтказиб борилди ва қатъий сўров тизими йўлга қўйилди. Яна бир муҳим масалага алоҳида назар ташлайлик. Профилактика инспекторлари томонидан содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни ҳисобга олиш, уларнинг оқибати билан курашиш эмас, балки содир этилишига сабаб бўлган омилларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда шаҳар-туманлар ички ишлар органлари фаолиятида уларнинг барвақт олдини олишга қаратилган чора ва тадбирларни ўз худудларида амалга оширишга жиддий ёндашиш талаб этилади.

Бундай пайтда криминоген вазияти мураккаб ёки оғир бўлган маҳаллаларда жиноятлар содир этилишига таъсир қилаётган **“асл омиллар”**ни ўрганиш ҳамда уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, манзилли ташкилий-профилактика тизимини йўлга қўйишга қаратилган илмий-назарий жиҳатдан асослантирилган таклифлар устида Малака ошириш институти профессор-ўқитувчилари ҳамда тадқиқотчилари томонидан изланишлар олиб борилмоқда ва тегишли таклифлар Вазирликнинг Жамоат хавфсизлиги департаментига киритилади.

Шаҳар-туманларда маҳалла еттилиги билан ҳамкорлик ҳамда бир-бирини қўллаб-қувватлаш асосида фаолият кўрсатиш намунали тарзда йўлган қўйилган. Бунда асосий эътибор ёшлар билан, айниқса уюшмаган ёшлар билан бевосита олиб борилаётган зарурий тадбирлар самарадорлигини амалга оширишга қаратилиши ўта муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институтининг ҳисоботларида келтирилганидек, унинг ижросини таъминлаш мақсадида қуйидаги профилактик манзилли ишлар амалга оширилди[4]*:*

– *“маҳалла еттилиги”* билан ижтимоий профилактика бўйича 9 864 та семинар ташкил этилди, ҳуқуқбузарликлар содир этган 553 728 нафар шахсларга хулосалар берилиб, 351 146 нафарининг муаммолари ижобий ҳал этилди;

– аҳоли билан 152 394 та ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди, беҳаловат оилаларнинг мавжуд муаммоларини бартараф этишга 31 280 маротаба имом-хатиб ва отинойилар жалб қилинди;

– ёшлар билан 285 739 маротаба ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш бўйича тадбирлар ташкил этилди, 273 798 нафар оғир тоифадаги ёшларнинг касб-ҳунар, чет тиллари, бандлиги, табиий ва бошқа ёрдамлар билан боғлиқ ижтимоий-маиший муаммолари хал этилди.

Дарҳақиқат, маҳаллаларда олиб борилаётган *манзилли профилактика ишлари*да бевосита профилактика инспекторлари фаол тарзда иштирок этишмоқда. Натижада ҳозирги пайтда профилактика инспекторининг мавқеи юксалди, улар бу ҳолатни англашлари зарур албатта. Шу боис ҳам

[4] Б.Э.Бердалиев ва бошқалар. Жиноятчилик тенденциялари ва омиллари давлат ҳисоботлари. Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти. 2025. Шахсий архив.

профилактика инспекторининг хизмат хонаси эшиги доимо очиқ бўлиши керак. Улар халқ билан ички ишлар органлари муштараклигини боғлайдиган асосий олтин кўприк вазифасини бажармоқда.

Маҳаллалардаги аҳоли гавжум жойлар ва кўчаларга 37601 та видеокузатув, кўп қаватли уйларнинг ховлиларига 2029 та, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг кириш-чиқиш жойларига 4577 та, очиқ спорт майдонларига 1995 та “PTZ” камералари ўрнатилганлиги профилактика инспекторларига жуда қўл келиб, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш имкониятлари очиқ-ойдин яратилди.

Фахр ва ғурур ила қайд қилиш лозим. Шунингдек, маҳаллаларнинг асосий кириш-чиқиш жойларига 8454 та ва савдо марказлари ҳамда бозорларга 2955 та шахс қиёфаси ҳамда авторақамларни таниб олувчи замонавий камералар, кўп қаватли уйларнинг эшикларига 13142 та замонавий домофон комплекслари ўрнатилиши натижасида деярли барча маҳалла худудларида куну-тун назоратни автоматик нормал ҳолатда бошқаришга эришиляпти. Маҳаллаларда 4945 та *“намунавий хавфсиз кўча”* ҳамда 11645 та “намунавий хавфсиз йўлаклар” ташкил этилганлиги аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган энг муҳим жихатлардан бири бўлди.

Криминология тадқиқот институти мутахассислари томонидан олиб борилган бир қатор илмий-амалий тадбирлардан ўғирлик, фирибгарлик, қасддан тан жароҳати етказиш жиноятларининг барвақт олдини олиш борасида Тошкент шаҳар, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари маҳаллалари бўйича илмий ёндашувлар асосида ишлаб чиқилган янги авлод худуд методикалари Малака ошириш институтида ҳар томонлама ташкил этилаётган тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим ва тарбия дастурларига киритилди. Мамлакат худудларидан МОИ юборилаётган мазкур профилактика инспекторлари ҳамда тегишли соҳавий хизмат ходимларига худуд методикалари асосида ижобий тажрибалар етказиб берилади. Албатта, сиз азиз тингловчилар огоҳ бўлиб туринг!? Шу ўринда муҳтарам Президентнинг: *қайси маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла банкири лойиҳа қилиб, уни асослаб берсин, зарур маблағни олсин. Шунда адолатдан бўлади*[5].

[5] Ҳуррият. 2025 йил 27 декабрь.

Мен раҳбар сифатида ишончим комилки, илмий-ижодий жамоамиз ўзининг реал фаолиятини ишга солиб, илмий-амалий изланган ҳолда профилактика инспекторини янги лойиҳа яратишга жалб қилган ҳолда, уни лойиҳачи ғолибга айлантириши жуда долзарб муаммо бўлмоғи керак. Изланган, таъқиқ қилган, бутун илмий-ғоявий фаолиятини ишга солган тадбиркор профилактика инспектори бунга эришади ҳам. Бундай жиддий муаммо лойиҳачи – ғолиб инспектор дунёга келишига ишонамиз. Яратганнинг ўзи қўллаб-қувватласин!?

Криминология тадқиқот институтининг 2026 йилга мўлжалланган асосий тадбирлари режасида криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларни хавфсиз худудга айлантириш бўйича тадқиқот жараёнлари **“илмий хулоса – тавсия – натижа”** тамойили асосида ташкил этилиши ҳамда Малака ошириш институтига ўқув тайёргарлиги бўйича юборилган амалиётчи ходимлар билан худудлардаги муаммолар юзасидан сўровномалар ўтказиш, унинг натижаларини эса чуқур тахлил этган ҳолда янги хулосалар ва тавсиялар асосида ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш таълим жараёни учун ниҳоятда муҳим ҳисобланиб, илмий асосланган ҳолда мавзулар киритилади, амалда фаол жорий этилади[6].

РЕЗЮМЕ

Мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг маҳаллалар миқёсидаги фаолияти янги талқинда таҳлил қилинган.

*****

В статье анализируется деятельность по профилактике правонарушений на уровне махаллей в новой интерпретации.

*****

The article analyzes the activities of crime prevention at the mahalla level in a new interpretation.

[6] Ўзбекистон Республикаси Криминология институти кенгашининг 3-сон мажлис баёни. 2025 йил 25 декабрь. Шахсий архив.

- ***Тил билган – эл билади***

Хуршидбек РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири маслаҳатчиси, подполковник

ВАТАНГА САДОҚАТ – ОНА ТИЛИГА МУҲАББАТДАН БОШЛАНАДИ

Тил – миллатнинг юраги, ўзликнинг овози, Ватанга муҳаббат ифодасидир. Халқнинг тарихий хотираси, маънавияти ва маданиятини намоён этувчи муқаддас неъматдир. Бугунги кунда юртимизда она тилимизга бўлган эътибор йил сайин ортиб бормоқда. Бу юртни севган ўзбек ва халқи фахрланадиган, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаган ҳар бир ватандошимиз юрагида ўзгача қувонч, фахр-ифтихор туйғуларини уйғотиши табиий.

Тилини асраган – элини асрайди

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг **“Давлат тилининг обрў-эътибори – бутун халқ, бутун жамиятнинг обрў-эътиборидир”,** деган фикрлари бугун мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини оширишга қаратилган эзгу ишларнинг асл мазмун-моҳиятини ифодалайди. Тан олиб айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги **“Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони ушбу йўналишдаги амалий ҳаракатлар ривожи учун йўл очди.

Мамлакатимизда ҳар йилнинг 21 октябрь санаси “**Ўзбек тили байрами куни**” сифатида белгиланди. Бошқача айтганда, ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни

таъминлаш мақсадида ушбу эзгу ҳаракатлар, она тилимизга қайта жон бахш этгандек бўлди.

Дарҳақиқат, тил давлатнинг тимсоли, бебаҳо хазинаси, мулкидир.

Яқин тарихга назар

Бундан 36 йил муқаддам, аниқроғи 1989 йилнинг 21 октябрь куни *“Давлат тили ҳақида”*ги қонун эълон қилинган ва Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган эди. Бу тарихий сана, миллатнинг бирлиги ва борлиги, ўз сўзига эгалигини англатувчи Қонуннинг қабул қилиниши юртимиз ҳали мустақилликка эришмаган бир паллада айтиш мумкинки, ўша давр зиёлиларининг улкан маънавий жасорати ўлароқ юзага келди.

Бор-йўғи 24 моддадан иборат бўлган мўъжазгина Қонун – юртимизни, миллатимизни мустақиллик сари бошлаб борган илк дадил қадамлардан бири бўлган, дейиш мумкин. Албатта, Ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши жараёнлари осон кечмаган. Дарвоқе, ўтган вақт оралиғида тилимизниг софлигини асраш, уни ривожлантириш, бор гўзаллиги ва жозибаси билан келажак авлодларга етказиш хусусида кўп гаплар бўлиб ўтди...

Амалда эса аксарият давлат идораларидаги ёзишмалар, хат-ҳужжатлар рус тилида юритилиши давом этмоқда. Очиғини айтганда, биз ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган сана арафасида ва байрам кунлари тил мавзусида гапиришга, турли маънавий тадбирлар уюштиришга одатланиб қолган эдик. Шукурки, охирги йилларда давлат тилида иш юритиш, ёзишмаларни лотин ёзувига асосланган ўзбек имлосида ёзиш, китоблар ва даврий нашрларнинг лотин имлосида чоп этилиши, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишлари кўлами ортганидан далолат беради.

Рекламалар матнининг энг аввало давлат тилида берилиши, турли янги фирма ва тадбиркорлик субъектларига ном танлашда ўзбек тили имкониятларидан фойдаланиш бўйича кураш давом этмоқда, амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда *“Райҳон”, “Ҳавас”, “Анор”, “Анжир”, “Соф”* каби ўзбекона номлар кўпайиб, оммалашиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. Шу билан бирга фақат хорижий номни устун қўйиб, пештоқига рус, инглиз, француз, испан, хитой тилида номлари ёзилган турли даргоҳлар сони афсуски, камайгани йўқ?! Шу аснода жонкуяр инсон, янги

жадид олимимиздан бири Қозоқбой Йўлдошевнинг *“...бошқа тилда янги ном қўяётганлар, ўзбекча сўз тополмаса, лоақал ўз онасининг, отасининг номини қўйса, бўлмайдими?”* деган аччиқ фикрлари ёдимга келди.

Маълумот ўрнида

Интернет маълумотларига кўра, бугунги кунда сайёрамизда 7 мингга яқин тил мавжуд бўлиб, уларнинг 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида экан. Сайёрамизда энг кўп аҳоли сўзлашадиган тил сифатида хитой, инглиз, рус, араб ва испан тиллари тан олинади.

Олимларнинг фикрича, тилнинг яшаб қолиши учун камида бир миллион киши ўша тилда сўзлашиши лозим. Бироқ бундай тиллар дунё бўйича атиги 250 тагина бўлиб, ўзбек тили ҳам ана шу тиллар сирасига киради. Ҳозирги пайтда дунё бўйича ўзбек тилида сўзлашувчилар сони 60 миллиондан ошди.

Тил, аввало ифтихор ва ғурурдир

Ҳозир жонажон ўзбек тилимизнинг нуфузини ошириш, уни муқаддас қадрият сифатида авлоддан-авлодга етказиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. *Минг бир машаққат ва синовлар билан қабул қилинган Қонун бугун жамиятнинг ҳар бир соҳасида ўз аксини топмоқдами? Муаммолар нимада?*

Муаммо ҳар бир юртдошимизнинг ўзини миллат сифатида англаганида, ғурури ва ифтихорида деб ўйлайман. Тилга муносабат ғурур, ор-номус иши деб қаралсагани, бу борада вазият ижобий томонга ўзгаради.

Кузатганмисиз: исми ёки фамилияси ҳужжатда хато ёзилганини тан олгиси келмай, ўша ёзилганини тўғри деб билувчи тоифа ҳам бор. Улар ўзгартиришни хоҳламайдилар. Масалан, Алимов деган санъаткорни Олимов десангиз буни ҳақоратдай қабул қилади. Ахир бобосининг бобоси туғилганда “алим” эмас “олим” бўлсин деган маънода, қулоғига азон чақирилган: Ёки *“Тўхтаев”* десангиз, *“Йўқ, мен Тахтаевман!”,* деб ёқа йиртадиганлар: Қўчқоров, Хўжаев дейишдан уялиб, Кучкаров, Хаджаев дейишингизни талаб қиладиганлар истаганча топилади.

Хатони тўғрилаш учун, дейлик туғилганлик гувоҳномаси, мактабни битирганлик тўғрисидаги шаҳодатнома, паспорт, диплом – ҳаммасини ўзгартириш вақти ва ҳаражат, анча-мунча ҳужжатбозликни талаб қилиши табиий. Бироқ, ёзилганда “Алим Тахтаев” бўлса ҳам лоақал оғзаки нутқда “Олимжон Тўхтаев” дейилса, бошқа одамга айланиб қолмайди-ку! *“Қаловини*

топсанг қор ҳам ёнади”, – дейишган халқимиз. Ҳаммаси инсон истагига боғлиқ аслида.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, профессор Шерзодхон Қудратхўжа ўз исм-шарифидаги ..ов қўшимчасидан воз кечгани ижтимоий тармоқларда ижобий муҳокамаларга сабаб бўлди.

Ички ишлар вазирлиги фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Эркин Норгитовнинг тизимда минглаб шогирдлари хизмат қилади. Ушбу генералнинг исмлари хато тарзда ҳужжатга Иркин деб ёзилган экан. Генерал шуни ўзгартиришга журъат қилиб, барча ҳужжатларини янгиладилар ва оталари қўйган исм Эркинга айландилар. Бир суҳбатда улар: *“Ана энди кўнглим хотиржам бўлди, қайта туғилгандек бўлдим!”* дегандилар хаяжонланиб. Фахрий генералнинг шахсий ибрати кўпчилик учун сабоқ бўлиши керак, назаримда?!

Юқоридаги манзаралар миллий тилимизга муносабат ва уни қандай тушунишимизни кўрсатади. Ачинарлиси, ҳозирги вақтда келажакни фақат хорижий тил билиш билан тасаввур этадиган, боғча ёшидаги фарзанди рус ёки инглиз тилида сўзласа, шуни муваффақият, деб биладиган оилалар бор. Ахир, инсон боласи аввало, ўз тилини билса, илк бор “Она”, “Ватан” каби сўзларни ўз она тилида талаффуз қилиб, муқаддас қадриятларни англагач, бошқа тилларни ўрганса, тўғри бўлмайдими? Бошқача айтганда, пойдевор миллий руҳ билан суғорилмаса, ўнта тилни билган бўлса-да, келажакда ундан чинакам ватанпарвар инсон етишиб чиқишига ишониш мумкинми?

Худо кўрсатмасин, эрта бир кун хорижий тил ва ўша мамлакат маданиятининг шайдоси, ёт элларнинг қадрияти ва шахсларини улуғловчи қавм юзага келмайдими? **Ахир, инсон қайси тилда фикрласа, ўша миллатга мансуб ва хизмат қилиши ҳақиқат-ку!** *Ўз оиласида ўзбек тилида сўзлашишни ор билган миллатдошларимизни ким деб аташ мумкин?* Ўзбекистонда туғилиб, шу эл фарзанди бўла туриб, миллатга хиёнат, аждодлар руҳига беписандлик, орсизлик эмасми?

Бугун янги Ўзбекистон дунёга очилди, жаҳон мамлакатлари юртимизга интилмоқда. Ҳар куни кўча-кўйда турли миллат вакилларини учратиш одатий ҳолга айланиб қолган. Қизиғи шундаки, юртимизга келиб, ўз фаолиятини олиб бораётган тадбиркор, таълим соҳаси вакили ёки бошқа касб эгалари бўладими,

аксарияти ўзбек тилини ўрганиш курсларига қатнамоқда. Улардан айримларининг юртимиз ва одамларимиз ҳақидаги илиқ таассуротларини ижтимоий тармоқлар орқали кўп кузатаман. Хорижлик меҳмонларнинг ҳайрат ва ҳаваси, миллатимиз тарихи ва маданиятига ҳурмати жуда баланд. Шундай кезда, ўз тилидан орланган миллатдошларимизни ким деб аташга ҳайронсан, киши.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов ўзининг *“Дафтар ҳошиясидаги битиклар”* китобида қуйидагича ёзган эди: **“Қанча кўп тилни билсангиз, шунча яхши. Бироқ одам она тилида тафаккур қилади, она тилида туш кўради, она тилида йиғлайди... ўлим олдидан онасини она тилида йўқлайди...”**

Бегона сўзлар чиндан бегонами?

Сўнгги йилларда *“смарт”, “челленж”, “стартап”, “фейк”, “пресс-тур”* каби бошқа тиллардан кириб келган сўзлар мулоқотимизда кўп ишлатилмоқда. Ўзбек тилида ушбу сўзларнинг мазмун-моҳиятини англатувчи муқобиллари ҳам мавжуд. Бироқ, кўпчилик осонини қўллаш йўлидан бормоқда. Тараққиёт ва илм-фан ривожланар экан, тилимизга ёт сўзлар кириб келиши, бу табиий жараён. Асосийси ўша янги сўзларни қўллашда ўз тилимизда мавжуд бўлган айни шу маънони англатувчи сўзлардан фойдаланиш, уларни тарғиб этиш, тушунтириш зарур.

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси мажлисининг 2025 йил 30 июлдаги 62-сон баённига биноан ўзбек тили қоида ва меъёрлар асосида шакллантирилган ҳамда расмий муомалага киритилган янги сўз ва атамалар рўйхати тасдиқланди. Рўйхатда жумладан, *мотивация – руҳлантириш ва рағбат, айсберг – музтоғ, доставка – етказиш, линк – ҳавола, навигатор – йўллагич, бодикамера – ёнкамера, челленж – чорлов, смарт – ақлли* каби бир қатор сўзлар берилган.

Бу йўналишдаги ишлар илмий муассасалардан ташқари ҳар бир вазирлик-идораларда ҳам олиб борилмоқда. Янги сўз ва ибораларни тилимиздаги муқобил вариантларини топиш ва истеъмолга киритиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Шу ўринда, Ички ишлар органларида истеъмолда мавжуд бўлган, бошқа тиллардан кириб келган сўз ва атамаларнинг муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш

борасида ИИВ Академияси ва Криминология тадқиқот институти томонидан ҳам илмий ўрганишлар олиб борилиб, таклифлар киритилмоқда.

Жамиятда бу жараённинг муваффақияти, ўзбек тилида тақдим этилган янги сўзларнинг муомала жараёнида ўз ўрнини топиши ва тилимиз шунга кўникишга боғлиқ. Масалан, ҳозир биргина “челленж” сўзининг ўрнига “чорлов” сўзини қўлловчилар кам. Негаки, “челленж” дейилса, гўёки таъсири кучли бўлади ва бошқачароқ эшитилади?!

“Янги Ўзбекистон” газетаси орқали доимий тарзда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг *“Сўз латофати”* китобидаги фикрларнинг эълон қилиниши, минглаб ўқувчиларни тилимиз хазинасидан баҳраманд қилмоқда. Ёки *“Жадид”* газетасининг *“тилбилим”* рукни орқали берилаётган сўз ва иборалар шарҳи ҳам ўзбек тили тарихи, тилимиз имкониятлари ва жозибасини кўрсатмоқда. Интернет саҳифаларида эса хусусан телеграммда мавжуд бўлган: *“Тўғри ёзамиз – мутахассис блоги”, “Хатоликлар – лотинчада”* каби каналлар ҳам ёшлар, айниқса ўзбек тилини ўрганаётганлар ва тўғри ёзиш қоидаларини ўрганувчилар учун қулай манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбек тили тарғиботига хизмат қилувчи бундай тез ва қулай, ҳамда барча учун фойдаланиши осон бўлган воситаларни кўпайтириш зарур.

Тизимда давлат тилида иш юритилиши белгиланган

Бугунги кунда Ички ишлар органларида ҳам ўзбек тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишига эришиш, шунингдек ходимларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини кучайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Аввало, Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, ички ишлар органларида Давлат тилида иш юритишни тўлиқ жорий этиш масалалари ҳамда **“Маънавият ва маърифат”** дарсларида батафсил ёритилмоқда. Таркибий ва ҳудудий Ички ишлар органларида бўлган ушбу масалаларга биринчи раҳбарларнинг шахсан масъул эканликлари белгиланган.

Ҳозирги вақтда Ички ишлар органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга бир қатор давлат хизматлари кўрсатилиб, фуқароларга тегишли маълумотнома, рухсатнома, гувоҳнома ва қайд варақалари берилади.

Ушбу жараёнлар ҳам тўлиқ давлат тили қоидалари асосида юритилмоқда. Бироқ, айрим ўринларда ҳужжат лойиҳаларида орфографик, грамматик ёки стилистик хатоликлар ҳам кузатилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Шу боис ҳам ходимларнинг Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат иш юритиш асосларини ўқитиш малака ошириш Маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларида **“Ўзбек адабий тили меъёрлари ва давлат тилида иш юритиш”** бўйича ўқув курсларида режа асосида доимий тарзда ўқитиб бориш ҳам ижобий самара бермоқда.

Вазирликнинг ушбу Марказ билан амалий ҳамкорлиги натижасида 2023 йилдан буён ҳар йили ўртача 300 нафар ходим ўқув курсларида иштирок этиб, тегишли сертификатни қўлга киритиб келмоқда. Қолаверса, таркибий ва ҳудудий Ички ишлар органларининг маъмурий ҳудуддаги барча ташқи ёзувлар, шу жумладан, лавҳалар, эълонлар ва кўргазмали ҳамда бошқа ахборот матнларининг давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, лотин ёзувига асосланган ўзбек имлосида хатоларсиз ёзилишини тўлиқ таъминлаш борасида режа асосида мониторинг ўтказилиб, аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Албатта, бу каби амалий ҳаракатлар ҳар бир ходимнинг масъулиятини янада ошириб, давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиши ва қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Қизиқ маълумот

Аллома шоир Эркин Воҳидов ***“Сўз латофати”*** номли китобида қуйидагича ёзади:

“Луғатларга қарадим. ***Пос*** *– туннинг саккиздан бири, деб шарҳланибди. Демак, тахминан бир соатга тенг тунги муддат –* ***пос****, бир соатлик тунги соқчи – посбон, русча часовой маъносидаги атама бўлиб чиқди.*

Ажабки, ўз сўзимиз бўлган ***пос*** *жаҳон кезиб, яна ўзимизга* ***пост*** *шаклида, қўриқланадиган жой, соқчининг ўрни ҳамда лавозим маъноларини олиб қайтибди”.*

Она тилини Ватан каби асрайлик

Дунёдаги энг қадимий ва бой тиллардан бири ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлик, менталитет ва давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир.

Шу ўринда, Давлатимиз раҳбарининг **“Она Ватанга муҳаббат ва садоқат – она тилига муҳаббат ва садоқатдан бошланади”,** деган фикрлари бугун юртимиз тинчлигини асраш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш борасидаги фаолиятга ўз ҳаётини бахшида этган ҳар бир ходим учун шиор бўлиши лозим.

Ҳар бир ходим ўз фаолиятида, айниқса фуқаролар билан бевосита мулоқот жараёнида тилни тўғри қўллаши, хушмуомалалик билан фикрини аниқ етказиши керак. Турли вазиятларни бошқаларга тўғри тушунтириб етказа олиш, муаммоли ҳолатларни бартараф этиш, зарурат бўлганда адолатли қарор қабул қилиш, энг асосийси, одамларнинг ички ишлар тизимидан рози бўлишларига эришишда ҳам нутқий маҳорат ва муомала маданияти муҳим аҳамият касб этади.

Агар ходимнинг муомаласи самимий, тили соф, нутқи равон ва аниқ бўлса, мулоқот қилган ҳар бир инсон ва атрофдагиларда ижобий таассурот уйғотиши табиий ҳол. Энг асосийси, бугунги шиддатли замонда ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаши, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаши ва ривожлантириши муҳим эканлигини унутмаслик зарур.

Қадим замонлардан бизгача етиб келган аждодларимизнинг қони, жасорати, сабр-матонати ила барҳаёт яшаётган тилимизни асраш, уни она-Ватан каби муқаддас ҳолда ҳис этиш ҳамда ҳимоя қилиш бугунги баркамол авлоднинг муқаддас бурчидир.

РЕЗЮМЕ

Мақолада тилга садоқат она Ватанга садоқат эканлиги таҳлил қилинган.

***

В статье анализируется, что верность языку – это верность Родине.

***

The article analyzes that loyalty to the language is loyalty to the Motherland.

Илмий мақолалар

Нурали ҲАҚБЕРДИЕВ,
ИИВ Махсус операцияларни мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ПОЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИ ТАЖРИБАСИ ҲАМДА УНИ ИИО ҚЎЛЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг фаолиятидаги самарадорлик, кадрларга боғлиқ албатта. Шу боис ишга қабул қилинадиган номзодларга катта талаблар қўйилади, катта ваколатларга эга: бошқа муассасалар ходимларидан фарқли ўлароқ, ички ишлар органлари ходимлари давлатнинг алоҳида территориал ёки тармоқ бўлинмаси эмас, балки давлатнинг ўзига хос ва умумий вакиллари сифатида қаралади. Инглиз олими таъкидлаганидек: *“...Агар инсон ўртача ақлий қобилиятдан юқори, яхши хотира ва кузатувчанликка эга бўлмаса, у яхши полициячи бўла олмайди. Унда юқори ахлоқий сифатлар ҳам бўлиши керак. Полициячи доимо тактик ва ақлли ҳаракат қилиши, турли кутилмаган вазиятларда ташаббус кўрсатиши лозим. Полициячига бошқа касб эгаларига қараганда анча катта масъулият юкланади”*[1].

Шу ўринда, муайян даражада айрим мамлакатларда бу ҳолатнинг қўлланилишини кўриб чиқамиз. АҚШда *“тенг ҳуқуқлилик”*нинг ҳуқуқий асослари иккита ёндашувни қўллайди:

фуқароларга нисбатан маълум мезонлар (тана ранги, миллати, дини) асосида камситишдан ҳимоя қилиш;

полиция маъмуриятларига фуқароларни камситувчи тестлардан ўтказишни қонуний таъқиқлаш назарда тутилади. Амалдаги қонуний талабларга мувофиқ сифатли номзодларни танлашни таъминлаш учун

[1] M.T.Charl’z. Current status and prospects for professional training of US police officers. 2000. https://uz.ozon.com/search/?deny.

АҚШ ҳукумати бир қатор дастурларни ишлаб чиқди. Уларнинг моҳияти қуйидагича:

а) Ички ишлар вазирлиги озчилик гуруҳлари аъзолари учун танлов жараёнига тайёргарлик кўришда самарали ёрдам кўрсатишга ихтисослаштирилган курслар ва тренингларни таклиф қилади;

б) хусусий жамғармалар томонидан маош тўланадиган ва молиялаштириладиган тажрибали мутахассислар гуруҳи Полиция академияси ўқитувчилари учун ***"тенг ҳуқуқлилик"*** *тушунчаси бўйича қўшимча тренинглар ўтказади*[2].

Ривожланган Ғарб давлатлари ички ишлар органлари тизимида хизмат жараёнини бошқариш бўйича катта тажриба тўпланган. Баъзи мамлакатларда жамоатчилик ички ишлар органи хизматлари ва бўлинмаларини кадрлар билан таъминлашда иштирок этади. Т.М.Занина ва К.Д.Рыдченколарнинг таъкидлашича, АҚШнинг деярли барча штатларида оддий ва кичик раҳбарлик даражаларида баъзи сайланмайдиган лавозимларга полиция ходимларини ёллаш, танлаш ва ҳатто тайинлаш билан шуғулланадиган мустақил фуқаролик хизматлари (комиссиялар) ташкил этилган. Ушбу бирлашмалар полиция ходимларини юқори раҳбарлик лавозимларига тавсия қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Комиссия аъзолари аттестация ўтказади, хизмат жараёнига оид шикоятларни кўриб чиқади, интизом масалалари ҳамда ижтимоий ва нафақа таъминоти масалаларини назорат қилади. Комиссияларни ташкил этиш тегишли ҳудудий раҳбарнинг ваколатига киради ва комиссия таркиби унинг фаолияти тўғрисидаги Уставда белгиланган муддат давомида ўзгартириб бўлмайди[3].

Ички ишлар органлари аппаратини тўлдириш турли усуллар орқали амалга оширилади: ихтиёрий тайинлаш орқали, танлов асосида ва сайлов тизимидан фойдаланиш орқали. Ихтиёрий тартибда энг масъулиятли лавозимлар – ички ишлар органининг раҳбарлик қатлами, унинг минтақавий органлари ва юқори вазирлик даражасидаги структура бўлинмалар лавозимлари тайинланади. Ушбу усулдан фойдаланиш

[2] Закатов В.В. Профессиональная подготовка сотрудников полиции за рубежом: особенности и тенденции развития // Балтийский гуманитарный журнал. 2017. Т. 6. № 4(21).

[3] Занина Т.М., Рыдченко К.Д. Перспективы учета общественного мнения в ходе формирования кадрового состава полиции // Вестник Воронежского института ФСИН России. 2016. № 4.

суиистеъмолликлар, шахсий манфаатлар ёки тегишли масалаларни ҳал қилувчиларнинг қарамлиги туфайли марказий лавозимларга қобилиятсиз шахсларни тайинлаш таҳдиди билан бирга келиши мумкин. Бироқ, тайинлашнинг бу усули асосли деб ҳисобланади, чунки у кадрлар сиёсати соҳасидаги энг юқори давлат ҳокимияти органларининг манфаатларини амалга оширишнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Баъзи мамлакатларда (АҚШ, Италия) ихтиёрий усул маҳаллий полиция идораларида ўрта ва қуйи лавозимларга тайинлашда ҳам қўлланилади.[4]

Сайловлар асосида асосан ички ишлар органларининг раҳбарлик лавозимлари тўлдирилади, аммо бу фақат айрим давлатларда амалга оширилади. Масалан, Швейцарияда кантон полиция бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари сайланади, АҚШда эса шаҳар полиция бошлиқлари ва шерифлар сайланади, улар қишлоқ ва қишлоқ ҳудудларида полиция ҳокимиятининг вакиллари ҳисобланади. Демак, ички ишлар органлари аппаратини тўлдиришда асосий усул сифатида танлов усули қўлланилади. Бу усул энг яхши деб ҳисобланади, чунки у номзодлар учун тенг имкониятларни таъминлайди, адолатлиликни кафолатлайди ва суистеъмол эҳтимолини камайтиришга ёрдам беради. Танлов ўтказилиши, жойлари, муддатлари, тартиби, бўш лавозимлар сони ва номзодларга қўйиладиган асосий талаблар ҳақида олдиндан идоравий нашрлар ҳамда оммавий ахборот воситалари (шу жумладан, Интернет тармоғи) орқали маълумот берилади.

Икки турдаги танлов синовлари ўтказиш амалиёти мавжуд – очиқ ва ёпиқ. Очиқ синовларда ички ишлар органида хизмат ўташни истаган ва умумий талабларга жавоб берувчи барча фуқаролар қатнашиши мумкин, шунингдек, юқори профессионал тоифага кўтарилишни хоҳлаётган ички ишлар орган ходимлари ҳам иштирок этади. Очиқ танлов синовлари орқали нафақат оддий, балки раҳбар таркиб ҳам тўлдирилади. Шу билан бирга раҳбар кадрлар ротациясини таъминлаш ва ички ишлар орган хизматига турли юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш мақсадида юқори кўникмага, тажриба ва билимга эга бошқа соҳалардан бўлган фуқаролар учун танловларда иштирок этишда махсус тартиб белгилаб қўйилган, бу тартиб уларга муайян афзалликни беради.

[4] https://www.iawp.org/about-the-IAWP.

Францияда қоидаларга кўра, бу тоифа шахсларга комиссарлар корпусида 60% ва кичик офицерлар бўлинмаларда 50% вакант лавозимлар берилиши лозим. Италия қонунчилигида эса белгиланганки, фаол хизмат қилаётган полиция ходимлари раҳбар таркиб лавозимларини эгаллаш учун бўлиб ўтадиган танловларда иштирок этаётган барча номзодларнинг 30%дан ошмаслиги керак[5].

Ёпиқ танлов синовлари асосан оператив фаолият билан шуғулланувчи хизматлар ва бўлимлар аппаратининг командир ҳайъати кадрларини тўлдириш учун қўлланилади. Бу бўлимлар терроризмга, наркотик бизнесига ва уюшган жиноятчиликка қарши курашишга қаратилган. Бундай танловда иштирок этувчилар:

- *тегишли меҳнат стажига эга бўлиши керак;*
- *давлат ва хизмат сирлари бўйича рухсатномага эга бўлиши лозим;*
- *аттестациядан ҳамда махсус тайёргарликдан ўтиши талаб этилади*[6].

Оддий ҳолда, энг оғир турдаги жиноятларга қарши курашиш бўйича самарали фаолият кўрсатиш учун номзодда олдинги касбий фаолият тажрибаси ва муайян ҳуқуқ-тартибот кўникмалари бўлиши шарт.

Лавозимга тайинлаш борасида ижобий тажриба сифатида Хитой Халқ Республикасининг амалиётини кўрсатиш мумкин. У ерда муайян ходимни раҳбарлик лавозимига тайинлаш ҳақидаги маълумотлар оммавий ахборот воситалари ва глобал интернет тармоғида эълон қилинади. С.А.Жбанова ҳақли равишда таъкидлаганидек, натижада фуқаролар ёки бошқа полиция ходимлари, ушбу маълумот Хитой полициясининг ички электрон тармоғига ҳам жойлаштирилганлиги сабабли, одатда лавозимга тайинлаш кутилаётганлиги ҳақидаги эълон хабар қилинганидан кейин икки ҳафта ичида, келажакда лавозимга тайинланишига халақит бериши мумкин бўлган маълумотлар ҳақида расмий баёнот бериш имкониятига эга бўладилар[7].

Кўплаб мамлакатларда (Англия, Швеция, Норвегия, Дания, Нидерландия) истиқболли ёшлар орасидан захира кадрларни тайёрлашга қаратилган жиддий ёллаш ишлари олиб борилмоқда.

---

[5] https://www.theiacp.org/about-iacp.

[6] https://www.ipa-international.org/.

[7] Жбанова С.А. Опыт зарубежных стран по подготовке кадров подразделений полиции // Научный вестник Орловского юридического института МВД России имени В.В. Лукьянова. 2017. № 1(70).

Англияда деярли барча полиция кучларида кадет бўлинмалари мавжуд бўлиб, улар полицияда хизмат қилиш ниятини билдирган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган йигит-қизларни ёллашади. Кадетлар ихтисослашган коллежларда ўқитилади, у ерда улар полициянинг асосий кўникмаларини ўрганадилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш вазифаларини бажарадиган ҳудуддаги аҳоли ва операцион муҳит ҳақидаги билимларини чуқурлаштирадилар[8].

Ривожланган хорижий давлатлар учун полиция кадрларини тўлдириш ва хизматдан ўтказиш жараёнини ходимларни ўқитиш билан боғлиқлиги характерлидир. Бу ерда “миллий таълим стандартларининг халқаро бир хиллиги ва касбий тайёргарлик моделларининг қисман ҳамда тўлиқ диверсификацияси ва тайёргарликнинг технологик асосларини такомиллаштириш кузатилади”. Дарвоқе, деярли барча лавозимларга (юқори қўмондонлик таркибидан ташқари) тайинланиши, полиция ходимлари мартаба лавозимига кўтарилиши ҳамда бир бўлимдан бошқасига ўтиши одатда икки босқичдан иборат бўлган малака ошириш курсини муваффақиятли тугатиш билан белгиланади: ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўқиш ва мавжуд ҳудудий ички ишлар органида амалиёт ўташ. Ўқиш тугагандан сўнг, полиция ходимлари белгиланган хизмат муддатига (одатда уч йилдан беш йилгача) шартномалар имзолайдилар ва қасамёдни қайта қабул қилишлари мумкин. Ушбу шартномалар одатда турли тоифадаги полиция ходимларининг иш ҳақи даражасини, қўшимча иш вақти учун қўшимча тўловни, тунги бонусларни, иш стажи учун тўловни, шунингдек, иш вақтини ва маълум бир лавозим учун интизомий жазо чораларини қўллаш ҳамда апелляция беришнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Ички ишлар органларининг ходимлари билан ишлаш тизимида ва уларга зарур ёрдам кўрсатишда ижтимоий таъминот хизматлари муҳим аҳамият касб этади. Бу хизматлар ходимлар билан ишлаш бўлимлари таркибида фаолият юритади ва турли фондлар орқали ёрдамга муҳтож ички ишлар органларининг полиция ходимлари ва уларнинг оила аъзоларига кўмак кўрсатилади. Масалан, Буюк Британияда қуйидаги ижтимоий таъминот хизматлари ва фондлари мавжуд:

[8] https://polfed.org/aboutus/default.aspx

- ☞ Хайрия жамғармаси (Ўзаро ёрдам жамғармаси);
- ☞ Полиция фаровонлиги жамғармаси;
- ☞ Фуқаро полиция ходимлари учун хайрия жамғармаси;
- ☞ Махсус констабллар учун хайрия жамғармаси;
- ☞ Полиция реабилитация маркази;
- ☞ Полиция ходимларининг қарамоғидаги оила аъзолари учун жамғарма;
- ☞ Миллий полиция таълим жамғармаси;
- ☞ Коллектив бахтсиз ҳодисалар ва ҳаётни суғурталаш жамғармаси;
- ☞ Ўлим нафақаси жамғармаси;
- ☞ Полиция ўзаро ёрдам жамияти;
- ☞ Саратон касаллигига чалинган аёллар ва эркаклар учун махсус жамғармалар;
- ☞ Кредитларни қайтариш суғуртаси жамғармаси;
- ☞ Қайғуга ботганларга ёрдам жамғармаси;
- ☞ Полиция нафақахўрларига ёрдам жамғармаси[9].

Умумий қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари ва кўплаб хорижий давлатлар полицияси ходимлари билан ишлаш тажрибасини, шунингдек, уларнинг хизмат фаолиятини таъминлаш ҳолати ва йўналишларини таққослаш натижасида қатор хулосалар ва умумий назарий жиҳатларни ажратиб олиш мумкин. Аввало, кўплаб позициялар бўйича турли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимларнинг фаолиятида сезиларли фарқ йўқлиги аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари ҳам Ғарб полицияси ходимлари каби деярли бир хил иш кунларига эга. Яъни, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган иш кунининг давомийлиги ҳақида гапиряпмиз (гарчи амалда у кўпинча узайтирилса ҳам). Ўзбекистон Республикасида ҳам, бошқа давлатларда ҳам ходимларнинг сиёсий ҳаётда иштирокини чеклаш зарурлигини тан оладилар ва қонунчилик билан тасдиқлайдилар, иш ташлашларни ташкил этиш ва уларда иштирок этиш ҳамда бир нечта иш ўринларини эгаллашни таъқиқлайдилар, айрим соҳалар (фан, таълим ва

[9] Смирнов К.С. Зарубежный опыт организации и функционирования полиции: теоретико-правовой анализ // Учебные труды Российской академии адвокатуры и нотариата. 2011. № 3 (22).

санъат) бундан мустасно. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мақсадлари ва вазифалари доираси ҳамда функциялари деярли бир хил (ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда).

Шу билан бирга, Ўзбекистонда ва бошқа давлатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари билан ишлашни ташкил этиш ҳамда уларнинг хизмат фаолиятини таъминлашни бошқаришда фарқлар ҳам мавжуд. Шундай қилиб, хорижий мамлакатларда полицияда мамлакатимиз ички ишлар идораларига қараганда юқори лавозимли шахслар ва уларга бўйсунувчилар ўртасида кўпроқ демократик муносабатлар кузатилади, гарчи Ғарб мамлакатларининг қонунчилиги давлат хизматининг бошқа соҳаларига қараганда полиция ичида бўйсуниш муносабатларининг янада қатъий тизимини ўрнатган бўлса-да. *Бироқ, полиция бўлими раҳбари одатда фақат бўйсинувчи ходимга муайян ҳаракатни бажаришни тавсия қилади ёки маслаҳат беради, лекин ходим ўз ихтиёри билан ҳаракат қилиш имкониятига эга.* Дарвоқе, ҳар бир ходим шахсан жавобгарликка эгадир. Агар ходим раҳбарнинг маслаҳатига қулоқ солмаса, раҳбар ўз бўйсинувидаги ходимининг қоидабузарлиги учун ҳеч қандай жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларида, аксинча, раҳбар ва қўл остидаги ходимлар ўртасида қатъий интизомни сақлаш учун жавобгардир, бу эса қўл остидаги ходимлардан раҳбарнинг буйруқларини сўзсиз бажаришни талаб қилади (ноқонуний буйруқлар бундан мустасно).

Ривожланган мамлакатларда полиция ходимлари полиция касаба уюшмалари ва ассоциацияларининг актив фаолияти туфайли кўпроқ ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланадилар.

Мамлакат ички ишлар органларида Ғарб давлатлари полиция тузилмаларидан фарқли ўлароқ, ходимларни хизматда юқори босқичларга кўтаришнинг альтернатив йўллари ҳам муҳокама қилинади. Хорижий мамлакатларда полиция кучларини ташкил этиш ва бошқариш тажрибаси ҳамда Ғарб мамлакатларида офицерларнинг фаолиятини бошқариш тизимидан ўрганиш мумкин, деган хулосага келиш имконини беради.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларини ислоҳ қилиш шароитида айрим халқаро тажрибани ўрганиш жуда фойдалидир. Ривожланган мамлакатларда ички

ишлар органларининг ходимларини бошқариш тизими элементларини, шунингдек, уларнинг хизмат фаолиятини таъминлаш чораларини чуқур ўрганиш ва амалиётга жорий этиш зарур. Шу муносабат билан ички ишлар органлари кадрларини танлов асосида шакллантириш, шахсий таркибни ротация қилиш ҳамда ходимлар манфаатларини касаба уюшмалари орқали ҳимоя қилиш каби илғор масалалар катта эътиборга лойиқдир. Хорижий давлатлар ички ишлар органларининг ходимлари билан ишлаш тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва имконият даражасида амалиётга татбиқ этиш ички ишлар органларининг янада профессионаллашуви, демократлашуви ва инсонпарварлашуви йўлида муҳим қадам бўлиб, улар ходимларининг хизмат фаолиятини таъминлаш асосларини мустаҳкамлайди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг айрим инновацион тажрибаларини хорижлик ҳамкасбларимиз ҳам ўрганишлари лозим, деб ўйлаймиз.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мамлакат ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолиятини таъминлаш бўйича айрим илғор хорижий тажрибанинг қуйидаги йўналишлари кўриб чиқилган: ички ишлар органлари кадрларини шакллантиришда очиқ ва ёпиқ танлов синовлари орқали танлов асосида қабул қилиш тизими ҳамда раҳбарлик лавозимларини сайлов орқали тўлдириш амалиёти, истиқболли ёшлар орасидан заҳира кадрлар тайёрлашга қаратилган кадрлар билан таъминлаш ишлари, ички ишлар органлари ходимларининг манфаатларини касаба уюшмалари орқали ҳимоя қилиш тизими ўрганишга лойиқдир.

*****

В статье рассмотрены следующие направления передового зарубежного опыта обеспечения служебной деятельности сотрудников органов внутренних дел страны: система отбора на основе открытых и закрытых конкурсов при формировании кадрового состава органов внутренних дел, практика замещения руководящих должностей в органах внутренних дел путем выборов, работа по кадровому обеспечению,

направленная на подготовку резерва кадров из числа перспективной молодежи, система защиты интересов сотрудников органов внутренних дел через профсоюзы.

*****

The following areas of advanced foreign experience in ensuring the service activities of internal affairs officers were considered: the system of selection based on open and closed competitive examinations in the formation of personnel of internal affairs bodies, the practice of filling leadership positions in internal affairs bodies through elections, work on providing personnel aimed at training reserve personnel from among promising young people, the system of protecting the interests of internal affairs officers through trade unions.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Кишига толе кулиб боқса: ўғри унинг учун посбонга айланади. Душман эса меҳрибон дўстга.

Халқ донишмандлиги

Қўлингдан келгунча яхшилик қил ва қилган яхшилигингни унут.

Луқмони ҲАКИМ

Одамлар душманга оғизларидан йўл берадилар. У эса ақлларини ўғирлаб кетади.

Халқ донишмандлиги

Мен айтган сўзимни қайтариб олганимдан кўра, айтмаган сўзимни оғиздан чиқармасликка ҳаракат қиламан.

Халқ донишмандлиги

Мен ўз фойдасини кўзлаб айтган сўзи зарар берган ва ўзини ҳалок қилган одамга ҳайрон қоламан.

Халқ донишмандлиги

Оғзимдан чиқмаган сўзим қулимдир. Айтганим эса хожам.

Халқ донишмандлиги

Улугбек РАСУЛЕВ,
Первый заместитель начальника Института повышения квалификации МВД Республики Узбекистан, полковник

НЕКОТОРЫЕ МЕРЫ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ТОРГОВЛИ ЛЮДЬМИ ОСУЩЕСТВЛЯЕМЫЕ ОРГАНАМИ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ

Выступая на 78-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев отметил, что «мы решительно продолжим политику строительства Нового Узбекистана как правового, светского, демократического и социального государства. В нашем Основном законе мы подтвердили приверженность принципам прав человека, свободы слова и совести, равенства всех граждан независимо от их национальности, языка и религии. На этой правовой основе была принята Стратегия развития «Узбекистан – 2030». Эта стратегия созвучна Целям устойчивого развития Организации Объединенных Наций, и мы неукоснительно выполняем все наши обязательства»[1].

Сегодня Узбекистан стремительно развивается. Республике проводятся глубокие реформы во всех сферах. Подчеркнем еще одно, человек, его права и свободы в демократическом правовом государстве составляют высшую ценность. Их обеспечение и защита являются важнейшими функциями правового государства.

Одним из наиболее серьезных проблем для всего мира является торговля людьми, в том числе и для Республики Узбекистана. Ежегодно тысячи людей преимущественно, женщины и дети, становятся жертвами торговли людьми. На сегодняшний день все показатели свидетельствуют о росте числа жертв торговли людьми. В связи с этим данная проблема привлекает к себе внимание всех стран мира, так как торговля людьми представляет угрозу фундаментальным правам человека и ценностям демократического общества[2].

В соответствии Протокола «О предупреждении и пресечении торговли людьми, особенно женщинами и детьми, и наказании за нее»,

[1] https://president.uz/ru/lists/view/6677.
[2] https://uzembassy.org.tr/news/5002 .

дополняющий Конвенцию Организации Объединенных Наций против транснациональной организованной преступности (Нью-Йорк, 15 ноября 2000 год)[3] одним из наиболее эффективных и рациональных способов противодействия торговле людьми являются меры, направленные на предупреждение данного преступления.

Традиционно превентивная деятельность представляет собой систему разноуровневых, но объединенных единой целью мер[4]. В соответствии с Законом Республики Узбекистан «О профилактике правонарушений» № ЗРУ-371 от 14 мая 2014 года под профилактикой правонарушений (преступление или административное правонарушение) – понимается система правовых, социальных, организационных и иных мер общей, специальной, индивидуальной и виктимологической профилактики правонарушений, применяемых в целях сохранения и укрепления правопорядка, выявления, пресечения правонарушений, а также выявления, устранения причин совершения правонарушений и условий, им способствующих.

Многоуровневая система профилактических мер, по нашему мнению, должна быть направлена на:

а) выявление и устранение либо ослабление и нейтрализацию причин преступности, отдельных ее видов, а также способствующих им условий;

б) выявление и устранение ситуаций на определенных территориях или в определенной среде, непосредственно мотивирующих или провоцирующих совершение преступлений;

в) выявление в структуре населения групп повышенного криминального риска и снижение этого риска;

г) выявление лиц, поведение которых указывает на реальную возможность совершения преступлений, и оказание на них сдерживающего и корректирующего воздействия, а в случае необходимости и на их ближайшее окружение[5].

---

[3] Документ был ратифицирован Законом Республики Узбекистан от 8 июля 2008 года № ЗРУ-160 https://lex.uz/acts/1463679.

[4] Федорович Д.Ю. О некоторых вопросах оперативно-розыскной профилактики торговли людьми // Проблемы и перспективы предупреждения преступлений оперативными подразделениями в свете модернизации деятельности ОВД: Материалы международной конференции (17 – 18 марта 2011 г.). – М.: ФГКУ «ВНИИ МВД России», 2012. – С. – 103.

[5] Данилова Н., Шушкевич И. Особенности предотвращения и расследования преступлений, связанных с торговлей людьми. - М.: Волтерс Клувер, 2018. – С. 25.

На общесоциальном уровне предупреждение торговли людьми требует применения комплекса экономических, социальных, организационно-управленческих, психологических и культурно-идеологических мероприятий. Эго связано с тем, что жертвами торговли людьми становятся наиболее незащищенные и социально неблагополучные слои населения, среди которых преобладающее большинство составляют женщины и дети[6].

Экономические меры предупреждения торговли людьми направлены на нейтрализацию последствий экономической нестабильности, несбалансированности политики в экономической сфере.

Для успешного противоборства работорговле государство должно гарантировать экономическую защиту наименее обеспеченным слоям населения – многодетным и неполным семьям, несовершеннолетним и малолетним детям, инвалидам. Стабилизация положения в экономике, повышение уровня жизни широких слоев населения в совокупности служат предпосылками предупреждения как работорговли, так и преступности в целом.

Социальные меры предупреждения торговли людьми должны включать комплекс программ по увеличению экономических возможностей населения, главная из которых – содействие в трудоустройстве, особенно женщин и молодых специалистов[7].

Организационные меры профилактики должны включать в себя государственное регулирование деятельности коммерческих структур, занимающихся трудоустройством за границей, туристическим, брачным и модельным бизнесом, который используется транснациональной организованной преступностью для вербовки. На законодательном уровне следует закрепить положение, что любая деятельность, связанная с трудоустройством за границей, в том числе и однократная, подлежит обязательному лицензированию. Договоры в отношении каждого трудоустраиваемого должны обязательно регистрироваться в территориальных органах внутренних дел. Таким образом,

[6] Абдуллаева В. С. Меры предупреждения торговли людьми и использования рабского труда / В. С. Абдуллаева И. А. Аушев // Юридический факт. – 2019. – № 75. – С. 45-48. – EDN AVFSMU.

[7] Карязов Н.В. Квалифицированные и особо квалифицированные составы торговли людьми //«Черные дыры» в Российском законодательстве. 2011. №5. - С.108-111.

правоохранительные органы будут обладать полной информацией о лицах, направляемых за границу.

Среди правовых мер предупреждения преступности можно назвать необходимость разработки и принятия нормативных правовых актов, касающихся регламентации деятельности, связанной с трудоустройством за границей, брачных и модельных агентств.

Идеологические меры профилактики, призваны формировать у членов общества моральнонравственные устои на базе общечеловеческих ценностей, таких, как сострадание, милосердие, взаимоподдержка.

Необходимо на государственном уровне пропагандировать культ семьи, поддерживать его основные институты – материнство и детство. И начинать нужно с общеобразовательных школ, средних и высших учебных заведений, где молодые люди оказываются вовлечёнными в многочисленные взаимоотношения.

Специальное предупреждение торговли людьми осуществляют преимущественно государственные органы, созданные для борьбы с преступностью.

Правоохранительные органы должны широко использовать в целях обнаружения преступников любые формы получения информации, включая содействие граждан в виде сообщений о фактах торговли людьми, в том числе и анонимных. Ценные сведения можно получить из анализа оперативной обстановки на обслуживаемой территории, уголовных дел и других источников.

Подробная информация позволит выяснить конкретные причины каждого преступления и условия, способствующие его совершению, сделать обоснованные выводы об имеющихся недостатках в профилактике торговли людьми и наметить конкретные меры по их устранению.

Важным направлением является контроль Интернета. В связи с тем, что глобальная сеть активно используется торговцами людьми для вербовки жертв, правоохранительным органам следует осуществлять систематический мониторинг сети. Основная задача – обнаруживать криминальные сайты, устанавливать их хозяев и принимать все меры для своевременной блокировки этих сайтов.

Информационное обеспечение крайне важно для успешного противодействия торговле людьми. На практике оно выражается в создании банков данных по лицам и транснациональным преступным группам, подозреваемым в работорговле, географии их деятельности, персоналиям торговцев, юридических лицах, причастных к торговле людьми, а также об исчезнувших лицах, которые, вероятно, стали жертвами торговли людьми и оказании на базе этих данных противодействия организованным преступным группам. Такие базы должны быть созданы не только в нашей стране, но и во всех государствах, столкнувшихся с проблемой торговли людьми. Именно в этой сфере, как представляется, объединение информационных ресурсов правоохранительных органов различных стран может дать ощутимый результат в борьбе с международной работорговлей.

Наряду с перечисленными мерами сотрудники правоохранительных органов должны организовывать и осуществлять мероприятия по предупреждению работорговли за счёт устранения условий, способствующих совершению преступлений и, что очень важно, конкретных ситуаций криминогенного характера. Это направление предполагает активное проведение пропагандистской и разъяснительной работы среди населения. Особое внимание следует уделять виктимологической профилактике, под которой понимается система мер выявления и ликвидации, связанных с личностью и поведением потерпевших, причин преступлений и условий, способствующих их совершению, осуществляемых применительно к населению в целом и отдельным социальным группам, всей преступности и отдельным группам преступлений, в целях снижения и, в конечном итоге, ликвидации виктимности как массового социального явления.

Также правоохранительные органы должны правильно осуществлять идентификацию жертв торговли людьми, для ведения профилактической работы в группах риска, в том числе среди людей, задерживаемых за нарушение законов об иммиграции, проституции, и трудового законодательства.

Финансовые меры предупреждения также весьма эффективное средство в руках правоохранительных органов. Потеряв финансовую базу,

преступники лишаются возможности заниматься противоправной деятельностью и оказывать активное противодействие правоохранителям. Поэтому следует больше уделять внимания выявлению имущества руководителей и членов преступных организаций, устанавливать их связи и каналы легализации денег, поскольку мощные финансовые потоки поддерживают торговлю людьми на всех уровнях.

Только оперативными мероприятиями в деле предупреждения торговли людьми не обойтись, ключевая роль отводиться всестороннему международному сотрудничеству на уровне правоохранительных органов.

Предупреждение торговли людьми – одно из ведущих направлений в международном сотрудничестве Узбекистана в сфере борьбы с преступностью. Узбекистан - член Интерпола, участник разработки ряда международно-правовых документов по борьбе с организованной преступностью.

Для эффективной реализации программы по борьбе с торговлей людьми необходимо создавать действенные механизмы по судебному преследованию торговцев. Тот факт, что данные преступления совершаются в большинстве случаев организованной преступной группой, заставляет предъявлять особые требования к защите жертв и свидетелей работорговли, особенно тех, которые сотрудничают со следствием, поскольку всегда остаётся вероятность мести со стороны оставшихся на свободе членов преступной группы.

Как показывает практика, самым проблемным аспектом противодействия торговле людьми является доказывание, а именно работа со свидетелями и жертвами преступления.

Центральное место с точки зрения тематики работы занимают совершенствование законодательства и обобщение судебно-следственной практики. Такая работа позволяет провести анализ и оценку практики органов предварительного расследования и суда, выявить наиболее типичные ошибки в этой области, их причины, наметить меры, направленные на устранение недостатков, сформулировать предложения по предупреждению преступлений[8].

[8] Мхитарян Л.К. Некоторые пути совершенствования противодействия торговле людьми //Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук. 2011. №2. - С. 45-49.

Меры борьбы с торговлей людьми должны постоянно совершенствоваться и носить характер, упреждающий развитие организованной преступности, быть последовательными и систематическими.

Система мер противодействия торговле людьми требует концептуального подхода, основанного на всестороннем научном изучении проблемы, который предполагает определение наиболее эффективных мер противодействия рассматриваемым преступлениям и выделение приоритетов борьбы с ними, исходя из их состояния, структуры, динамики, закономерностей, тенденций развития и опасности негативных последствий.

РЕЗЮМЕ

Одам савдосининг олдини олиш масалалари кўриб чиқилмоқда. Мақолада ички ишлар органлари томонидан одам савдосининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган асосий чора-тадбирлар таҳлил қилинган.

*****

Рассматриваются вопросы предупреждения торговли людьми. В статье проведен анализ основных мер предупреждения торговли людьми осуществляемые органами внутренних дел.

*****

The issues of preventing human trafficking are examined. An analysis has been conducted of the key preventive measures against human trafficking implemented by the internal affairs bodies.

Абдумурад ҲАҚБЕРДИЕВ,
Тошкент Давлат юридик университети доценти, юридик фанлари доктори

ҲАКАМЛИК БИТИМИ ТАРАФЛАРИ НИЗОНИ ҲАКАМЛИК СУДИГА ҲАЛ ҚИЛИШ УЧУН ТОПШИРИШНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ

Миллий қонунчилигимизга мувофиқ, ҳакамлик судига мурожаат қилиш орқали кўриб чиқиш учун низони тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиш учун тарафлар олдиндан келишиб олишлари: муайян низо ва бир гуруҳ низолар ёки барча низоларни ҳал қилиш учун ҳакамлик судига ўтказиш тўғрисида ўзаро битим тузишлари лозим. ***Ш.М.Асьянов*** **Ўзбекистон Республикасининг "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонуни шарҳига** кўра, ҳакамлик битими – тарафларнинг низони ҳал этиш учун ҳакамлик судига топшириш битими эканлиги кўрсатиб ўтилган. Бу битимсиз ҳакамлик муҳокамаси бошланмайди. Шу тариқа ҳакамлик муҳокамаси ҳакамлик жараёнининг бошланғич нуқтаси бўлиб, ҳакамлик суди муҳокамасида тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқишининг дастлабки шарти ҳисобланади[1].

Ҳакамлик шартномаси – манфаатдор шахслар ўртасидаги мустақил битим (алоҳида ҳужжат, шартнома) бўлиб, унинг асосида шахслар томонидан тузилган моддий-ҳуқуқий шартноманинг бажарилиши ёки ижро этилиши билан боғлиқ тарзда келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган низоларнинг ҳакамлик муҳокамаси ҳақидадир. Ҳакамлик шарти эса – тарафлар моддий-ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи асосий шартнома матнига киритилган, мазкур шартнома билан боғлиқ тарзда келиб чиқиши мумкин бўлган ҳакамлик муҳокамаси ҳақидаги шартдир.[2]

---

[1] Асьянов Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонунига шарҳ. https://nrm.uz/contentf?doc=428849_hakamlik_sudlarito%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_qonunga_sharh&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana.

[2] Асьянов Ш.М. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Қонунига шарҳ. https://nrm.uz/contentf?doc=428849_hakamlik_sudlari_to%E2%80%98g%E2%80%98risidagi_qonunga_sharh&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana.

Ҳакамлик битими шартнома юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган айрим ёки барча низоларни ҳакамлик судининг ҳал қилиши учун топшириш ҳақида тарафларнинг келишувидир. Амалдаги қонунчиликка биноан ҳакамлик битими ёзма шаклда тузилади. Ҳакамлик битими алоҳида шартнома ёки шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шарти тарзида расмийлаштирилиши мумкин. Агар тарафлар келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган низони доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилувига топшириш ҳақида келишган бўлсалар, ушбу суднинг номини кўрсатишлари лозим. Ушбу қоидага риоя қилмаслик ҳакамлик битимининг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

Дарвоқе, ҳакамлик муҳокамасининг қисқа муддатлар ичида бошланиши ва низони тез ҳал бўлишида ҳакамлик битимида қуйидагилар ўз аксини топиши муҳим рол ўйнайди:

☞ *айнан қандай турдаги низолар ҳакамлик судига топширилиши;*

☞ *ҳакамлик судининг тури (доимий фаолият кўрсатувчи ёки муваққат ҳакамлик суди) ва номи;*

☞ *низони ҳал қилиш қоидалари (Регламент);*

☞ *ҳакамлик судьяларининг сони, тили, жойи ва бошқа қоидалар*[3].

Ҳакамлик битимда фуқаролик низоларини, юридик шахслар ўртасида тузилган шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шартида юзага келган низоларни ҳакамлик судига ҳал қилиш учун топшириш тўғрисида тарафлар ўртасида эришилган келишув ўз ифодасини топади ва мустаҳкамлаб қўйилади. Ҳакамлик битимнинг ёки шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шартида кўрсатилган шартноманинг мақсади низоли ҳуқуқий муносабатларни ҳал қилиш учун ҳакамлик судига ўтказиш ва унга нисбатан ваколатли суд тартибини қўлламасликдир.

“Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси 6-хатбошида тарафларнинг низони ҳакамлик судига ҳал қилиш учун топшириш ҳақидаги битими[4] (тарафлар ўртасидаги шундай келишув бўлиб, унга кўра улар ўртасида юзага келган низо ҳал қилиш учун ҳакамлик судига

[3] Рўзиназаров Ш., Мамасиддиқов М., Масадиков Ш. Ҳакамлик муҳокамаси ҳақида нималарни билиш керак?. Амалий қўлланма. Тошкент. 2010. Б.21.

[4] Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилдаги “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуни. https://lex.uz/docs/1072079.

юборилиши мумкин) бўлиб, икки томонлама ҳуқуқий хусусиятга эга моддий-ҳуқуқий ва процессуалдир. Қонуннинг 11-моддаси 1-бандида ҳакамлик битими мавжуд бўлган тақдирда, низо ҳакамлик судининг ҳал қилиши учун топширилиши мумкинлиги юридик факт сифатида кўриб чиқилиши белгилаб қўйилган. Фақат тарафлар шундай келишув тузган бўлса, низо ҳакамлик судига юборилиши мумкин?!

Шартнома муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқий лаёқати ва муомала лаёқатига оид умумий талабларга жавоб бериши шарт. Бу ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар томонидан ҳакамлик битимларини тузиш учун қўлланилади. Тарафларнинг ҳакамлик суди тўғрисида битим тузишнинг умумий шарти, улар қонун талабларига мувофиқ низоли ҳуқуқий муносабатларнинг предметини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳисобга олиниши керак[5]. Агар ҳакамлик муҳокамаси тўғрисида битим тарафларнинг вакиллари томонидан тузилган бўлса, уларга бунинг учун тегишли равишда расмийлаштирилган махсус ваколатлар берилиши керак. “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуннинг 29-моддасига кўра, даъво аризаси даъвогар ёки унинг вакили томонидан имзоланган бўлиши керак. Агар даъво аризаси даъвогарнинг вакили томонидан имзоланган бўлса, даъво аризасига ишончнома ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим[6].

Худди шундай талаб, Ҳакамлик суди тўғрисидаги низомда ҳам ўрнатилган эди. Бундан ташқари, Низомнинг 5-моддасида ҳакамлик битимининг мазмунига қўйиладиган талаблар келтирилган. Хусусан, ёзма шаклда тузилган ҳакамлик битимида баҳсли ҳуқуқий муносабатлар тарафларининг тўлиқ Ф.И.Ш. ва манзили; ҳакамлик судининг таркибини тузиш ваколати, агар ҳакамлик даъвоси тарафларнинг ўзлари томонидан тузилган ёки жамоа номидан тузилган бўлса; низо предмети; ҳакамлик судининг судьялари ва раисларининг аниқ номи (фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилган ҳолда); ишни ҳал қилиш муддати; ҳакамлик битимини тузиш жойи ва вақти; ишни ҳал қилиш учун сайланган судьяларнинг розилиги; низонинг барча иштирокчилари ва ҳакамлик суди аъзоларининг имзолари кўрсатилган бўлиши керак бўлган.

[5] Хакбердиев А. Hakamlik sudining tuzilishida hakamlik bitimi // Юриспруденция. 2022. 1-сон.
[6] Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилдаги “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуни. https://lex.uz/docs/1072079.

Ҳозирги пайтда миллий қонунчилигимизда ҳакамлик битимига умумий асосларда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 9 боби, 101-128 моддаларида мустаҳкамланган битимларга оид нормалар татбиқ этилади[7]. Демак, битимга қўйилган талаблар ва уни ҳақиқий эмас деб топиш асослари умумий асосларда ҳакамлик битимига ҳам қўлланилади. Хусусан, ҳакамлик битими:

- *қонун талаб қиладиган шаклга риоя қилмаган ҳолда тузилган бўлса;*
- *қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолда тузилган бўлса;*
- *ўн тўрт ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган бўлса;*
- *ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга этмаган шахс томонидан тузилган бўлса;*
- *муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган бўлса;*
- *муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан тузилган бўлса;*
- *ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган бўлса;*
- *янглишиш таъсирида тузилган бўлса;*
- *алдаш, зўрлик, қўрқитиш, бир тараф вакилининг иккинчи тараф билан ёмон ниятда келишиши ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган бўлса;*
- *қалбаки ва кўзбўямачилик учун тузилган бўлса;*
- *юридик шахс ҳуқуқий лаёқатидан ташқарига чиққан ҳолда тузилган бўлса ҳақиқий эмас деб топилади*[8].

Ҳозирги вақтда ҳакамлик судлари фаолиятини тартибга солувчи амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ (“Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги қонуннинг 12 ва 13-моддалари, “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддаси 2-банди) низо тарафларининг ёзма шаклдаги битимида доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳал қилувига топшириладиган бўлса, мазкур ҳакамлик судининг ёки арбитраж судининг номи кўрсатилиши лозим. Юқорида кўрсатилган норматив ҳужжатларда ҳакамлик суди тўғрисидаги битим шаклида (масалан,

[7] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. https://lex.uz/docs/111189.

[8] Мамасиддиқов М.М., Масадиков Ш.М., Хабибуллаев Д.Ю., Азизов Н.А., Салимова И.М. Ҳакамлик муҳокамаси / Ўқув қўлланма. ТДЮУ. 2016. – 39-б.

ваколатли давлат судида тасдиқлаш ёки рўйхатдан ўтказиш, нотариус ва бошқалар) бошқа талаблар мавжуд эмас. Шундай қилиб, Ўзбекистонда ҳакамлик битими ва шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шарти ўртасида иккита муҳим фарқ мавжуд. *Биринчидан*, шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шарти бошқа ҳужжатнинг ажралмас қисмидир ва ҳакамлик битими алоҳида мустақил ҳужжатдир.

Иккинчидан, шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шарти фақат тарафлар ўртасида келажакда юзага келиши мумкин бўлган низоларга, ҳакамлик битими эса аллақачон юзага келган ёки келажакда юзага келиши мумкин бўлган низоларга нисбатан қўлланилади. Ҳар қандай шартноманинг (шартнома ва бошқалар) ажралмас қисми бўлиб, у гўё ундан алоҳида мавжуд. Бу ҳакамлик суди томонидан асосий шартноманинг ҳақиқий эмаслигини тан олган тақдирда намоён бўлади, бу автоматик равишда унга киритилган банднинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди ва вужудга келган низоларни ҳакамлик судида кўришга монелик қилмайди. Бир қатор муаллифларнинг таъкидлашича, ҳакамлик судида низони кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган шартноманинг таркибий қисмидаги шартнома шарти шартноманинг ажралмас қисми бўлиб, шартнома муддати тугаганидан кейин ҳам ўз қонуний кучини сақлаб қолиши мумкин. Бу тарафлар ўртасидаги муддати ўтган шартнома билан тартибга солинадиган иш муносабатлари давом этган ва тарафлар бошқача келишувга эришмаган ҳолларда содир бўлади.

Дарҳақиқат, юзага келган низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш мақсадида тарафлар томонидан ўзаро эришилган битим оддий ёзма шаклда, шартномаларни тузиш учун фуқаролик қонунчилигида ман этилмаган ҳар қандай усулда (яъни тарафлар имзолаган ҳужжатда бўлиши мумкин ёки хатлар, телеграф орқали алмашиш, шунингдек бундай битимнинг мустаҳкамланишини таъминлайдиган бошқа электрон ёки алоқа воситаларидан фойдаланиш орқали хатлар ва хабарлар алмашиш йўли билан) тузилиши мумкин[9].

Шу билан бирга, халқаро амалиётда даъвогар низони ҳакамлик судига ўтказиш тўғрисида жавобгар билан келишувга эга бўлмаган ҳолда судга даъво аризаси билан мурожаат қиладиган ҳолатлар мавжуд. Агар бундай

[9] Хакбердиев А. Hakamlik sudining tuzilishida hakamlik bitimi / Юриспруденция. 2022. 1-сон.

вазиятда жавобгар ўз ҳаракатлари билан (масалан, ҳакамлик судига даъво аризасига жавоб юбориш, ҳакамлик судьясини тайинлаш, қарши даъво аризаси бериш ва ҳоказо) низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топширишга амалда рози бўлса, бундай ҳолларда ҳакамлик суди ёзма келишувсиз ҳам ишни кўришга киришади. Бироқ, бу юқорида қайд этиб ўтилган умумий қоидадан истисно эмас[10].

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳакамлик суди даъво аризасини олгандан сўнг, ишни кўриб чиқиш имконияти тўғрисида қарор қабул қилиши (яъни, ушбу низоли ҳуқуқий муносабатларни ҳал қилиш учун унинг ваколати масаласини кўриб чиқиш) керак. Бунинг учун қонуний талабларга мувофиқ, ҳакамлик суди тарафларнинг низони унга ўтказиш тўғрисидаги битимнинг ёки шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шартида мавжудлиги ва асослилиги тўғрисида қарор қабул қилади. Бинобарин, ҳакамлик суди тўғрисидаги битимнинг ёзма шаклига риоя қилмаган тақдирда, у фақат ушбу низоли ҳуқуқий муносабатларни ҳал қилиш ваколатига эга эмас деган хулосага келиши мумкин[11].

Ҳакамлик битимида тарафлар низони ҳал қилишни режалаштирган аниқ ҳакамлик суди, унинг расмий номи ва юридик манзили кўрсатилиши керак. Бунинг сабаби шундаки, баъзи вилоятларда ва ҳатто шаҳарларда бир неча ўнлаб ҳакамлик судлари мавжуд бўлиб, тарафлар вужудга келган низоларни ҳакамлик судида ҳал қилиш бўйича шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шартига кўрсатиб ёки ҳакамлик битимини тузиб, шу билан маълум бир суднинг Низоми ва қоидаларига риоя қилишга рози бўлган ҳолда, уларга мурожаат қиладилар. Бундай ҳолатларда ҳакамлик судлари ўзига хос бўлиб, ўзаро бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2012 йилдаги 238-сонли қарорида ҳам ҳакамлик битими юридик ва жисмоний шахсларнинг низони ҳакамлик судига ҳал қилиш учун топшириш ҳақидаги ёзма келишуви ҳисобланиши ва бундай битим мавжуд бўлган тақдирдагина низо ҳакамлик судининг ҳал қилувига топширилиши мумкинлигига қаратилади. Ҳакамлик битими шартноманинг

[10] Ануфриева Л.П. Международное частное право: В 3-х томах. Том 3. Трансграничные банкротства. Международный коммерческий арбитраж. Международный гражданский процесс: Учебник, М., 2001. С. 161.

[11] Ҳақбердиев А. Hakamlik sudining tuzilishida hakamlik bitimi // Юриспруденция. 2022. 1-сон.

таркибий қисми бўлган шартнома шарти ёки алоҳида битим тарзида расмийлаштирилиши мумкинлиги ва бошқа ҳолатлар қайд этиб ўтилган[12]. *Ушбулардан келиб чиққан ҳолда, биз Иқтисодий процессуал кодексининг 107-моддаси иккинчи бандини "ишда иштирок этувчи шахсларнинг ушбу низони ҳакамлик судига ёки арбитражга кўриш учун топшириш тўғрисидаги келишуви мавжуд бўлиб, ҳакамлик судига ёки арбитражга мурожаат қилиш имконияти бой берилмаган бўлса ва агар ишнинг иқтисодий судда кўрилишига қарши бўлган жавобгар низонинг мазмуни бўйича ўзининг биринчи аризасидан кечиктирмай низони ҳакамлик судининг ёки арбитражнинг ҳал қилувига ўтказиш тўғрисида илтимоснома берса" деган таҳрирда баён қилишни таклиф этамиз.*

Бизнинг фикримизча, ҳакамлик битимини тузишда уни ҳар икки тараф имзолаган ягона ҳужжат шаклида расмийлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳакамлик судлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларида ҳакамлик битими шаклига бундай талаб белгиланмаган бўлса-да, шунга қарамай, ушбу ҳужжатнинг аҳамияти улар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган ёки мавжуд бўлган низо улар белгилаган ҳакамликнинг ҳал этилишини ва тарафларнинг судга топшириш мажбуриятларини белгиловчи ягона ҳужжатни тузиш мақсадга мувофиқлигини тақозо этади. Ҳакамлик битимини тузишнинг ушбу усули низони ҳакамлик судига топшириш тўғрисида келишувга эришилганлиги ҳақидаги ноаниқликни олдини олади.

Бундан ташқари, ҳакамлик муҳокамаси амалиётидан кўриниб турибдики, ҳакамлик судлари тарафлар томонидан низони ҳакамлик судида кўриб чиқиш истагини билдирган, иккинчи тараф эса бунга эътироз билдирмайдиган ҳужжатлар алмашинувини ҳакамлик битими деб ҳисоблайди. Суд амалиёти ҳакамлик битимини тузишнинг ушбу усулини қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари, ҳакамлик амалиёти тарафларнинг ушбу суднинг юрисдикциясига ихтиёрий равишда топширилишини кўрсатадиган хатти-ҳаракатларни ҳакамлик битими деб ҳисоблайди. Халқаро тижорат арбитражи амалиёти ва ЮНСИТРАЛ Модел қонуни (7-

[12] Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2012 йил 15 июндаги "Хўжалик судлари томонидан ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳамда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги ишларни кўришда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 238 сонли Қарори. https://lex.uz/docs/2483046.

модда) шуни кўрсатадики, арбитраж (ҳакамлик) суди мазкур ҳолатда агар тарафлар даъво аризаси ҳамда даъво аризасига жавоб алмашган бўлса, арбитраж келишувини ёки ҳакамлик битимини тузилган деб ҳисоблайди[13].

Шундай қилиб, Ўзбекистон қонунчилигида электрон алоқа орқали ҳакамлик битимини тузишга рухсат берилади. Бироқ, бунинг амалга ошиши учун маълум шартларга риоя қилиш керак. Хусусан, тарафлар бундай битимни тузишнинг электрон тартибига, шунингдек, электрон ҳужжатларга тақдим этилиши керак бўлган талаблар бўйича махсус келишувга эришишлари керак. Электрон имзо жуда муҳим вазифани бажаради, бу электрон ҳужжатнинг реквизити бўлиб, у ўз навбатида икки томонлама функцияни бажаради: биринчидан, у ушбу электрон ҳужжатни қалбакилаштиришдан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган, иккинчидан, бу тарафлар ўртасида ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлиши учун асосдир. Шу билан бирга, электрон имзо, мутахассислар таъкидлаганидек, қуйидаги функцияларни бажаради:

- *электрон ҳужжат ёки хабарни ким имзолаганлигини кўрсатади;*
- *электрон ҳужжат ваколатли шахс томонидан имзоланганлигини кафолатлайди;*
- *имзоланган ҳужжатнинг ҳақиқийлиги ва ўзгармаслигини таъминлайди;*
- *битим тарафининг иродасини ифодалайди;*
- *электрон алоқа орқали тузилган битимнинг ёзма шаклини англатади*[14].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ҳакамлик битими ёзма шаклда бўлиб, электрон алоқа воситалари орқали тузиш мумкин бўлади. Бунда тарафларнинг розилиги албатта уларнинг қўлёзма ёки электрон рақамли имзолари билан тасдиқланган бўлиши лозим. Шунингдек, ҳакамлик битимида электрон алоқа воситаларидан фойдаланиш тартиби, ушбу

[13] United Nations Commission on International Trade Law (UNCITRAL) Model Law on International Commercial Arbitration (as adopted by UNCITRAL on 21 June 1985) was adopted by the UN General Assembly in 1985 (General Assembly Resolution 40/72 (11 December 1985)); with revisions (as amended by UNCITRAL and adopted on 7 July 2006) adopted by the UN General Assembly in 2006 (General Assembly Resolution 61/33(4 December 2006).

[14] Соловяненко Н. Правовое регулирование электронной торговли и электронной подписи (международный опыт и Российская практика). // Хозяйство и право. 2003, № 1. С.35.

тартибда алмашиладиган маълумотларнинг махфийлиги ва яхлитлигини ҳимоя қилиш мақсадида кўриладиган хавфсизлик чоралари ҳам кўрсатиб ўтилган бўлиши керак.

Биз юқорида келтириб ўтилган фикр-мулоҳазалар таҳлили натижасида онлайн ҳакамлик битими тузиш бугунги кун давр талаби эканлиги бўйича ўз хулосамизга келиб, қуйидаги муаллифлик таърифини ишлаб чиқдик. Хусусан, *онлайн ҳакамлик битими бу — Интернет тизимида электрон имзодан фойдаланган ҳолда шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган низони алоҳида шартнома ёки шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шарти тарзида расмийлаштирилган низони ҳал этиш бўйича келишувдир.*

Шу билан бирга, фикримизча, онлайн ҳакамлик битимида қуйидаги талаблар қайд этилган бўлиши лозим:

1) ҳакамлик судига топширилиши мумкин бўлган низо ёки низоларнинг тури;

2) электрон (интернет) алоқа воситаларидан фойдаланиш бўйича келишув ва улардан фойдаланиш тартиби;

3) ҳакамлик судьясини ёки ҳакамлик ҳайъатини сайлаш учун бажариши керак бўлган талаблар ва уларни тайинлаш тартиби;

4) электрон хабарлар ҳамда билдиришномаларни оладиган тарафларнинг ахборот (интернет, почта манзиллари) тизими манзиллари;

5) ҳакамлик муҳокамасида алмашиладиган маълумотларнинг махфийлиги ва яхлитлигини ҳимоя қилиш учун кўриладиган хавфсизлик чоралари;

6) далилларни тақдим этиш тартиб-қоидалари назарда тутилади.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола ҳакамлик битими масаласидаги хориж тажрибасини таҳлил қилган ҳолда ўрганиб чиқилган. Ҳакамлик битимининг тузилиш шакли, мазмун-мундарижаси ва унга қўйилган талаблар хусусида чет давлатларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиб чиқиш давомида миллий ҳакамлик судларидаги ҳакамлик битимларининг моҳияти хусусида тўхталиб ўтилган. Мақолада ҳакамлик битимини муайян дарважада таҳлил қилишимиз туфайли миллий қонунчилик ривожидаги айрим ўзгаришлар содир бўлиш эҳтимоли борлиги кўрсатиб ўтилган.

*****

В данной статье рассматривается вопрос об третейском соглашении на основе анализа зарубежного опыта. В ходе изучения нормативных правовых актов зарубежных стран, касающихся формы, содержания и требований к третейскому соглашению, рассмотрена природа третейских соглашений в национальных третейских судах. В статье представлены законодательные предложения, направленные на анализ третейского соглашения.

*****

This article examines the issue of arbitration agreement by analyzing foreign experience. During the study of the regulatory legal documents of foreign countries regarding the form, content and requirements of the arbitration agreement, the nature of arbitration agreements in national arbitration courts was discussed. The article presents legislative proposals during the analysis of the arbitration agreement.

Ҳусан ТУРАББАЕВ,
Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси профессори, ю.ф.н.

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ АЙРИМ ҲУҚУҚИЙ-ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Ҳозирги пайтда ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масаласи энг долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ва унинг ижросига қаратилган туб ислоҳотлар бу борада асосий ҳуқуқий ва институционал асосларни яратади. Стратегияда белгиланган вазифаларнинг муҳим йўналишларидан бири – жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ёшлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш орқали жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни самарали амалга оширишдан иборат[1].

Ёшлар ўртасидаги жиноятчиликни профилактика қилишнинг ҳуқуқий-психологик механизмлари нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти, балки жамиятнинг ижтимоий-тарбиявий ва психологик таъсир кўрсатиш тизимлари билан ҳам узвий боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан, ички ишлар органлари томонидан жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар замон талаблари даражасида қайта ташкил этилди. Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари тизими такомиллаштирилди, уларнинг моддий-техник базаси замонавий стандартлар асосида янгиланди ва самарадорлиги сезиларли даражада оширилди. Бу эса ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг қонунийликка бўлган муносабатини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ҳуқуқий ва психологик омиллари ўрганилиб, профилактика фаолиятида индивидуал ёндашув тамойили асосида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

[1] Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон халқига мурожаати. «Ўзбекистон», 2022. Шахсий архив.

Бу жараёнда ҳуқуқий механизмлар қонунийликни таъминлаш ва жазонинг ижро этилишини назорат қилиш билан боғлиқ бўлса, психологик механизмлар ёшларнинг шахсий-руҳий хусусиятлари, ахлоқий қадриятлари ва ижтимоий фаоллигига таъсир қилиш орқали уларнинг қонуний хулқини мустаҳкамлайди.

Ҳозирги босқичда ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқий-психологик механизмлар биргаликда самарали фаолият юритиши лозим. Бу эса нафақат ички ишлар органлари ва суд-ҳуқуқ тизими фаолиятини такомиллаштириш, балки оила, мактаб, нодавлат ташкилотлар ва кенг жамоатчиликнинг тарбиявий роли орқали ҳам амалга оширилади. Шу тарзда, ёшлар ҳуқуқий саводхонлиги ва психологик барқарорлиги ортиши орқали уларнинг қонунийликка ҳурмат ва шахс ҳуқуқлари қадрига эътиқод қилишлари таъминланади.

Натижада ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олишнинг ҳуқуқий-психологик механизмлари жамиятда ҳуқуқ устуворлиги ва хавфсизликни таъминлашда асосий рол ўйнайди, ёшларнинг шахсий ва ижтимоий ривожланиши учун қулай муҳит яратади ҳамда замонавий Ўзбекистоннинг демократик, қонуний ва либерал давлат сифатида барқарор ривожланишига хизмат қилади. Ушбу мақолада мавзунинг ҳуқуқий ва психологик жиҳатлари кенг ёритилиб, хориж ва Ўзбекистон тажрибалари таҳлил қилинади ҳамда амалий ечимлар таклиф этилади.

Адабиётлар таҳлили: Ёшлар ўртасида жиноятчилик муаммоси замонавий жамият барқарорлиги, ҳуқуқий маданият даражаси ва ижтимоий хавфсизликка бевосита таъсир этувчи омиллардан бири ҳисобланади. Давлат ва жамият ривожида фаол иштирок этувчи ёш авлоднинг ижтимоий-ҳуқуқий тарбияси етарли даражада таъминланмаган ҳолларда, уларнинг девиант хулқ-атвори ва ҳуқуқбузарликка мойиллиги ортиши мумкин[8]. Шу сабабли, ёшлар жиноятчилиги профилактикаси илмий асосланган, ҳуқуқий ва психологик механизмлар билан таъминланган мақсадли тизим сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ёшлар жиноятчилигини ўрганиш борасидаги илмий тадқиқотлар бир қатор йўналишларга эътибор қаратган. Жумладан, Т. Моффит (1993) ўз тадқиқотларида ёшлар жиноятчилигининг икки моделини — *"ўткир ёшлик даврига хос ҳуқуқбузарлик"* ва *"умр давомида давом этувчи девиант хулқ"*

моделларини илгари сурган. Бундан ташқари[13], Хирши (1969) ижтимоий назорат назарияси орқали ўсмирларда жиноятчиликнинг асосий сабабларидан бири сифатида жамият билан боғланишнинг сусайишини кўрсатиб ўтган бўлса[14], психологик йўналишда эса Бандура (1977) ижтимоий-ўрганиш назарияси асосида ёшлар хулқ-атворида муҳитнинг ролини асослаб берган[15].

Маҳаллий олимлардан Б.Самойлов статистик тадқиқотлар асосида ёшлар жиноятчилигидаги тенденциялар, айниқса интернет ва ижтимоий гуруҳлар таъсирини ўрганади[4]. У профилактикада кибержиноятчиликка қарши курслар, реабилитацион дастурлар ва ҳуқуқий мисоллар орқали ишлашни тавсия қилади. А.Қаландаров психологик омилларнинг аҳамиятини таъкидлайди ва ёшларда жиноятчиликка мойилликнинг асосий сабаблари сифатида ижтимоий-руҳий беқарорлик, эмоционал импульсивлик ва ҳуқуқий маданиятнинг паст даражасини кўрсатади[5]. Унинг фикрига кўра профилактикада ҳуқуқий билим эмас, балки ҳуқуқий муомала маданиятини шакллантириш асосий аҳамиятга эга. Ш.Ғуломов ижтимоий-иқтисодий омиллар ва оилавий муҳитнинг таъсирини таҳлил қилади. У профилактика самарадорлигини ошириш учун индивидуал ёндашув, шахсий реабилитацион режалар ва маҳалла билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини таъкидлайди[6].

Соҳа мутахассислари ёшлар ўртасида жиноятчилик профилактикасини оила, таълим муассасалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ўзаро ҳамкорлиги орқали ҳал қилиш зарурлигини таъкидлайдилар.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:

Хорижда ёшлар жиноятчилиги кенг доирада ўрганилган бўлиб, кўпгина тадқиқотларда профилактикада ҳуқуқий назорат, жамоатчилик иштирокини кучайтириш ва психологик реабилитация дастурларини қўллаш самарали эканлиги қайд этилган. Масалан: АҚШда Community Policing дастурлари орқали ёшлар билан профилактик мулоқотни кучайтириш амалиёти йўлга қўйилган [11,12].

Европа Иттифоқида Youth Justice System моделлари ўсмирларга нисбатан тарбиявий характердаги ҳуқуқий чораларни қўллашга асосланади.

Мамлакатимизда ёшлар жиноятчилигини ўрганиш ва профилактика қилиш борасида қонунчилик базаси шаклланган: *“Жиноятчилик профилактикаси тўғрисида”* ва *“Ёшлар сиёсати тўғрисида”*ги қонун ва бир қатор қарорлар соҳа ривожида муҳим ўрин тутади[2]. Илмий тадқиқотларда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, оилавий муҳитни барқарорлаштириш ва профилактика инспекторлари фаолиятини такомиллаштириш асосий йўналишлар сифатида қайд этилмоқда.

Хориж тажрибасига кўра, Европа Иттифоқи мамлакатларида ёшлар жиноятчилиги умумий жиноятчиликнинг 15–20% ни ташкил этади. АҚШда эса бу кўрсаткич 17–18% атрофида бўлиб, асосий хавф омиллари сифатида ижтимоий муҳит, таълим тизимидаги муаммолар ва интернет муҳитидаги зўравонлик контенти эътироф этилади[10,12].

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Статистика бошқармаси маълумотларига кўра, 2021–2023 йиллар давомида ёшлар ўртасида содир этилган жиноятлар сонида маълум даражада камайиш кузатилган. Жумладан, 2021 йилда ёшлар томонидан 14 мингдан зиёд жиноят қайд этилган бўлса, 2023 йилга келиб мазкур кўрсаткич 11 минг атрофида қайд этилган. Бу эса профилактик ишлар самарадорлигининг ошиб бораётганини англатади[3].

Ўзбекистонда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар динамикаси ижтимоий-иқтисодий ҳолат, интернет муҳити, психологик босим ва оилавий назорат кучига бевосита боғлиқ. **Сўнгги йилларда:**

- *профилактика инспекторлари фаолияти кучайтирилган;*
- *маъмурий назоратнинг электрон тизимлари жорий этилган;*
- *таълим муассасаларида ҳуқуқий саводхонлик бўйича дарслар сони оширилган.*

Шу билан бирга, интернетдаги зарарли контент, оилавий тарбиядаги камчиликлар, тенгқурлар босими каби омиллар баъзи ҳудудларда ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликка мойилликнинг сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Ҳуқуқий-психологик механизмлар. Ёшлар жиноятчилигини камайтиришда ҳуқуқий ва психологик механизмлар ўзаро боғлиқ ҳолда ишлаши зарур. Булар:

1. Ҳуқуқий механизмлар:

- профилактика инспекторларининг ваколатларини кенгайтириш;
- ҳуқуқбузарликка мойил ёшлар рўйхатини юритишнинг электрон тизимлари;
- ота-оналарнинг ҳуқуқий масъулиятини кучайтириш;
- таълим муассасаларида мажбурий ҳуқуқий тарбия дарсларини жорий этиш;
- судлар томонидан тарбиявий жазоларни амалиётга кенг қўллаш.

2. Психологик механизмлар:

- стрессни бошқариш кўникмаларини ўргатувчи тренинглар;
- девиант хулқ белгиларига эга ёшлар билан индивидуал психологик ишлаш;
- агрессияни назорат қилиш дастурлари;
- ижтимоий мослашув ва реабилитация марказлари фаолияти[9].
- **3. Комплекс ёндашув:**

Ҳуқуқий ва психологик механизмларнинг биргаликда ишлаши натижасида ёшларнинг хулқ-атворини тўғри бошқариш ва жиноятчиликка мойилликни камайтириш мумкин.

Ечим ва таклифлар:

1. Ёшлар билан ишловчи профилактика инспекторлари ва психологлар учун ягона тайёрлов дастурини жорий этиш;

2. Оилавий тарбия сифатини ошириш мақсадида маҳаллаларда ***"Ота-оналар мактаби"****ни ташкил этиш;*

3. Интернет хавфсизлиги бўйича махсус ҳуқуқий-психологик курсларни ташкил қилиш;

4. Жиноятчиликка мойил ёшлар учун соғлом муҳит яратиш мақсадида спорт, маданият ва таълим лойиҳаларини кенгайтириш

5. Таълим муассасаларида ***"Ёшлар ҳуқуқий маданияти"*** *фанини йўлга қўйиш;*

6. Жиноят содир этган ёшларнинг реабилитациясини кучайтириш ва уларни қайта ижтимоийлаштириш дастурларини кенгайтириш назарда тутилади. *[10].*

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, ёшлар жиноятчилиги — бу жамият хавфсизлиги, барқарорлик ва келажак тараққиёти учун хавфли омилдир. Таҳлиллар шуни кўрсатадики,

профилактика ишлари фақат ҳуқуқий ёки психологик усуллар билан чекланиб қолмаслиги зарур. Комплекс ёндашув — ҳуқуқий-тарбиявий, психологик, ижтимоий ва интернет хавфсизлиги соҳаларини қамраб олган ҳолдагина кўтилиши мумкин бўлган ижобий самарага эришиш мумкин.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, ёшлар ишлари агентлиги, профилактика инспекторлари ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик натижалари ижобий тенденцияларни кўрсатмоқда. Бироқ, рақамлашув жараёни ва интернет хавфлари ортиб бораётгани сабабли ёшлар билан профилактика тадбирлари янада замонавий шаклларда ташкил қилиниши талаб этилади.

Ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш – ҳуқуқий ва психологик механизмларни ўз ичига жалб қилган комплекс тизимни талаб этади. Хориж тажрибаси ва миллий қонунчилик асосида амалга оширилаётган ишлар ижобий натижалар бермоқда. Бироқ профилактиканинг самарадорлигини ошириш учун оила, мактаб, маҳалла ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, психологик реабилитация дастурларини кенгайтириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати:

1. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон ҳалқига мурожаати. «Ўзбекистон». 2022 йил декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси «Жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги қонун. 2018. Шахсий архив.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги жиноятчилик статистикаси, 2021–2023 йй.

4. Самойлов Б. Ёшлар жиноятчилиги: тенденциялар ва профилактика усуллари. Тошкент, 2020.

5. Қаландаров А. Ёшлар ва ҳуқуқий маданият. Тошкент, 2021.

6. Ғуломов Ш. Оила ва ижтимоий муҳитнинг профилактикадаги аҳамияти. Тошкент, 2022.

7. Anderson C., Bushman B. (2018). Human Aggression and Violence. Psychology Press.

8. Baumeister R. The Self Explained. Guilford Press. (2019).
9. Bronfenbrenner, U. Ecological Systems Theory. Harvard University Press. (2005).
10. Лернер Р. Психология развития подростков. Москва: АСТ. (2018).
11. European Youth Crime Report (2022). Berlin: EU Research Center.
12. United Nations Crime Trends. UNODC. 2023.
13. Moffitt T. E. Adolescence-Limited and Life-Course-Persistent Antisocial Behavior. Psychological Review, 1993.
14. Hirschi T. Causes of Delinquency. University of California Press, 1969.
15. Bandura, A. Social Learning Theory. Prentice Hall, 1977.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ўзбекистон ёшлар ўртасида жиноятчиликни профилактика қилишда амалга оширилаётган ҳуқуқий ва психологик механизмлар таҳлил қилинди. Мақсад: ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш учун самарали комплекс механизмларини ўрганиш назарда тутилган.

*****

В статье анализируются правовые и психологические механизмы профилактики преступности среди молодежи в Узбекистане. Цель исследования – изучение комплексных механизмов, способствующих снижению правонарушений среди молодежи и развитию правовой культуры в обществе.

*****

This article analyzes the legal and psychological mechanisms for preventing youth crime in Uzbekistan. The aim is to study comprehensive mechanisms that reduce youth delinquency and promote legal culture in society. The article reviews international and national practices as well as scientific research.

Шерзод УБАЙДУЛЛАЕВ,
Малака ошириш институти Махсус касбий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, майор

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМНИНГ АЙРИМ СИЁСИЙ, ФАЛСАФИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ ҲАМДА ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАР

Ҳозирги глобаллашув ва кескин рақобат даврида, дунёнинг турли бурчакларида, жумладан, минтақамизда юз бераётган қуролли можаролар ва қарама-қаршиликлар, янги таҳдид ва хатарлар олдимизга кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўймоқда. Айнан шундай шароитда мамлакатимиз тинчлик ва тотувликни таъминлаш асосий мақсадалардан бири бўлиб қолмоқда[1].

Маълумки, инсоният тамаддунининг тараққий этишида бир неча омиллар сабаб бўлади. Булар қаторида тинчлик ва барқарорлик аввалги ўринларни эгаллайди. XXI аср бошида жаҳондаги тинчлик ва осойишталик, барқарорлик ҳамда инсоният тақдири, унинг тараққиёти, равнақига таҳдид солаётган диний экстремизм барча давлатлар, миллатлар бир ёқадан бош чиқариб курашиши зарур бўлган иллатга айланмоқда. Бузғунчи ғояларга асосланган халқаро терроризм ва экстремизм, унинг ҳар қандай кўриниши кишилик жамиятининг ўтмишида ҳам, бугунида ҳам бутун халқлар бошига оғир кулфатлар ёғдирган. Ҳар йили унинг тажовузидан 100 мингдан ортиқ бегуноҳ кишилар қурбон бўлмоқда, жамият ривожланиши, айрим давлатлар, минтақалар ва инсоният цивилизациясининг тараққиётига жиддий таҳдид солмоқда ва мудҳиш оқибатлар келтириб чиқармоқда. Демак, диний экстремизмга қарши курашиш мақсадида турли илмий, амалиёт ва сиёсий ёндашувлар ишлаб чиқилган. Ушбу мақола замонавий илмий ёндашувларни таҳлил қилиш ва диний экстремизмни тушунишга ёрдам берадиган муҳим назарий ҳамда амалий асосларни аниқлашга қаратилган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2023 йил 29 июндаги 267-сонли қарори // *URL:http://www.lex.uz.*

Диний экстремизм – бу маълум диний ғоялар шубҳасиз ҳақиқат сифатида ҳамда зўравонлик ёки мажбурлаш йўли билан бошқаларга мажбуран қабул қилдириш ҳаракати[2]. Бу тушунча ижтимоий, сиёсий ва диний контекстда турли кўринишларда намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, *"Бугунги кунда минтақанинг барча мамлакатлари терроризм, диний экстремизм, трансмиллии жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига дуч келмоқда. Ушбу таҳдидларга қарши самарали курашишни фақат биргаликда, минтақа мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорлик механизмлари доирасида таъминлаш мумкин. Хавфсизликка таҳдидларни "ўзиники ва ўзгаларники" деб ажратишдан воз кечиш, "яхлит хавфсизлик" тамойилига амалда риоя қилиш зарур, деган қатъий фикрдамиз"*[3]. Сиёсий етакчининг пурмаъно фикрларини давом эттирамиз: "Диний экстремизм, терроризм каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда. Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани – айни ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор этолмайди"[4].

Муҳтарам Президентнинг 2022 йил 28 январидаги ПФ 60-сонли *"2022−2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"*ги фармонида энг муҳим йўналишлардан бири сифатида экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш зарурат эканлиги кўзда тутилган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида: *"Диний экстремизм – баъзи диний ташкилотлар ёки айрим диндорларнинг жамият қонун қоидаларига мос келмайдиган мафкураси ва фаолияти ҳисобланади"*[5], - деб таъриф берилган. Диний экстремизмга оид замонавий илмий ёндашувларни тадқиқ

---

[2] Каримов И.И. Диний экстремизм тушунчасининг ҳуқуқий таҳлили ва унга доир замонавий илмий ёндашувлар. "Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасидаги глобал чақириқлар ва таҳдидлар: муаммо ва ечимлар" мавзусида халқаро конференция материаллари тўплами. I-жилд //Т. 2025. Б-477-486.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқидан (мурожаат вақти 08.02.2023 йил). // www.president.uz – Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизматининг расмий веб-сайти.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқидан. Тошкент. Халқ сўзи. 2017 йил 30 июнь.

[5] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти 2002. – Б. 305.

этишдан аввал *“экстремизм”* сўзини таҳлил этиш, унинг тушунчаси ва моҳиятини тўлиқ англаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Замонавий академик тадқиқотларда *“экстремизм”* тушунчасини назарий таҳлил қилиш нафақат ҳуқуқ фаннинг, балки уни амалиётда қўллашнинг асоси ва айни пайтда ноаниқ муаммоларидан биридир. Экстремизм тушунчасининг мазмунини тўғри ва тўлиқ англаш учун унинг луғавий маъносини билиб олиш мақсадга мувофиқ. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида экстремизм: *(лот. extremus - энг охирги; ўтакетган ашаддий; кескин)* бу сиёсатда ва мафкурада ашаддий, фавқулодда усуллар билан йул тутишга, кескин чоралар кўришга тарафдорлик, деб таъриф берилган[6]. “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида *“Экстремизм – ижтимоий-сиёсии вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявии тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси”,*[7] – деб таъриф берилган.

Мазкур таърифларда экстремизмга бир томонлама, яъни жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид ҳар қандай ҳаракатлар экстремизм деб баҳоланиши мумкинлиги кўзда тутилган. Профессор М.Рустамбаев ўзининг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг махсус қисмига берган шарҳида *“экстремизм - энг кескин қарашларга, борлиққа ишонч ҳисси (одатда, сиёсатда), ўзининг шак-шубҳасиз ҳақлигига, ҳақиқатни фақат ўзи билишига ишонч ҳисси сўнгги чораларга – зўравонлик ҳаракатларига мойиллиги билан ажралиб турадиган диний экстремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади. Бунда муайян шахс ҳам, бошқа динга мансуб ижтимоий гуруҳ ҳам ёки шу диннинг вакиллари томонидан рад этилаётган мазҳабга мансуб вакиллар ҳам таъсир кўрсатиш объекти сифатида танлаб олиниши мумкин”,* – деб таъриф берган[8].

---

[6] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 29-б. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati /%20-%20 E.pdf (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 18.02.2023).

[7] Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни., ЎРҚ-489-сон. https://lex.uz

[8] М.Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг махсус қисмига берган шарҳида. Шахсий архив.

Қайд этиш лозимки, экстремистлар *«демократия»* ниқоби остида баландпарвоз шиорлар, чақириқлар билан чиқиб, террорчилик ва партизанлик уруши ҳаракатларини қўллаб-қувватлайдилар. Қонунга риоя этмаслик, иш ташлашлар, тартибсизликлар чиқаришга ўринадилар, одамларни гижгижлайдилар ва бунда террор қилиш усулидан фойдаланадилар. Экстремизмнинг энг характерли белгиси унинг фавқулодда сиёсийлашувидир. Профессор Д.Миразовнинг фикрларига кўра, "диний экстремизм террорчиликнинг эгизагидир, дейиш мумкин. Террорчи ким деганда? Одатда онги заҳарланган, фанатизмга берилган, ўзи қиладиган жиноий ҳаракатига жавоб бера олмайдиган, қилаётган ҳаракатини англамайдиган, кимнингдир ёвуз ниятини бажарадиган ижрочи кимса, деб қабул қилиш керак. Одамларнинг жонига қасд қилиш, ўлдириш, тазйиқ остига олиш, аҳолини ваҳимага солиш мақсадида қилинадиган, тинч инсонларни гаровга олиш каби ҳолатлар ва бунинг ортида сиёсий диний ёки фанатик мақсадларда уюштирилган жиноятларни терроризм қаторига қўшиш ўринли" [9]дир. Бундай ҳаракатларга диний тус бериш эса диний экстремизмга олиб келади. Диний экстремизм – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиётни англатади.

Диний экстремизмда бошқа конфессия вакилларига нисбатан тоқатсизлик намоён бўлса, сиёсий экстремизмнинг миллатчилик кўриниши эса турли миллат ва этник гуруҳлар ҳуқуқини инкор этишда намоён бўлади. Шу билан бирга алоҳида қайд этиш лозимки, Р.Тошқуватова ўз илмий ишида *"ислом экстремизми диний экстремизмнинг бир тури" эканлигини, шунингдек, "сиёсий экстремизм ва ислом фундаментализми ўзининг барча турларида диннинг асл шакл ва мазмунига қайтиш, диний таълимотларнинг ҳар қандай модернизациясига қарши курашиш вазифасини қўйди, бунинг якуний натижаси динни сиёсийлаштириш орқали халифалик типидаги давлатларни мажбуран қуришдир",* - деб қайд

[9] Терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг тактика ва методикаси: Маърузалар курси / Д. М. Миразов, Б.Н. Рашидов, Ш. А. Қулматов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2017. – 7-бет.

этган[10]. Бироқ, биз Р.Тошқуватованинг *“ислом экстремизми”* иборасига қўшилмаймиз, бизнинг фикримизча, экстремистлар турли динлардан ўз мақсадлари йўлида яъни, кўпроқ аҳолини ўз сафларига жалб қилиш учун ниқоб сифатида фойдаланадилар. Бу шу диннинг экстремизми мавжуд дегани эмас. Шунингдек, сиёсий экстремизмда динларнинг асл шакллари ва мазмунига қайтиш мақсади қўйилмайди, балки биринчи ўриндаги мақсади сифатида ҳокимиятни эгаллаш қўйилади.

Шунингдек, бу борада Ш.Ёвкачов ўз ишида: *“Ғарб оммавий ахборот воситаларида “ислом фундаментализми”, “ислом экстремизми” ва “исломизм” тушунчалари кўплаб ишлатилмоқда. Бироқ, аслида исломни диний фундаментализм ва экстремизмни тенглаштириб бўлмайди”,* – деб таъкидлаган[11]. Немис олимлари А.Пфал-Траугбер ва Э.Жесси *“экстремизмни конституциявий давлатда демократиянинг асосий тамойилларини йўқ қилишга қаратилган ҳодиса”* – деб таърифлаган[12]. Аммо, *“экстремизм”* тушунчаси нафақат сиёсатга тегишли бўлиши мумкин, балки ушбу таъриф воқеликнинг маъносини қисман акс эттирган, холос. Хусусан, мазкур таъриф диний соҳадаги экстремистик ҳаракатларни тўлиқ қамраб олмаган. Шу сабабли, “экстремизм” тушунчасининг пайдо бўлиш ва ривожланиши, бу борада хорижий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш, ушбу тушунча таърифини бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқишни талаб этади. Шундай қилиб, экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги юридик адабиётлар ва қонун ҳужжатларининг концептуал ва терминологик таҳлили экстремизмнинг айрим белгиларини қуйидагича шакллантириш имконини беради[13]:

Биринчидан, экстремизм нафақат зўравонлик *(қоида тариқасида радикал),* балки зўравон бўлмаган қуйидаги усулларни ҳам қўллашни

[10] Тошқуватова Р.Ш. Проблемы соотношения политического и религиозного экстремизма в условиях глобализации: Дисс. ... канд. философ. наук. –Т.: НУУ имена Мирзо Улугбека. 2012. –Б.148.

[11] Ёвкачев Ш.А. Политизация религии и проблема исламского экстремизма в современном Египте. Дисс. ... канд. полит. наук. –Т.:ТГИВ. 2000. –Б. 40.

[12] 24. Armin Pfahl-Traughber. Jahrbuch für Extremismus- und Terrorismus forschung 2009/2010 // https://www.hsbund.de/SharedDocs/Downloads/2_Zentralbereich/20_Referat_W/Publikationen/20_Schrifte n_Extremismus_Terrorismusforschung/band_03.pdf?__blob=publicationFile&v=3.

[13] Каримов И.И. Диний экстремизм тушунчасининг ҳуқуқий таҳлили ва унга доир замонавий илмий ёндашувлар. “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасидаги глобал чақириқлар ва таҳдидлар: муаммо ва ечимлар” мавзусида халқаро конференция материаллари тўплами. I-жилд //Т. 2025 Б-477-486.

назарда тутади: экстремистик материалларни тарқатиш, миллий, диний ёки этник адоват ва нифоқни қўзғатиш;

Иккинчидан, экстремизм диний, ирқий, миллий, гендер ёки сиёсий мотивга кўра, ўзларини бошқалардан устун кўрувчи мафкуравий эътиқодларни (экстремистик жиноятлар ва қонунбузарликларнинг мотиви ва мақсадлари бўлиб хизмат қилувчи) бирлаштирган тизимли ижтимоий ҳодисадир[14].

Учинчидан, экстремизм қонун билан тақиқланган ҳаракатларни (маъмурий ёки жиноий ҳуқуқбузарликни) назарда тутади;

Тўртинчидан, экстремизм энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлатнинг демократик асосларини бузувчи мақсадларга эришишга қаратилган ҳаракатлар йиғиндисидир;

Бешинчидан, “экстремизм” ва “экстремистик фаолият” тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар муайян давлатнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига қараб аниқлаштирилиши мумкин.

Ҳозирги пайтда жаҳон миқёсида юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, халқимиз ва ёшлар ўртасида ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдига бундай таҳдидларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда[15].

Тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласи давлат ҳокимияти ва ҳуқуқ-тартибот органлари олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Диний экстремизм дунё аҳлиниг хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётгани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини эълон қилганидан кейин ўзининг олдига бозор иқтисодиёти

[14] Карягина А.В. Межнациональные конфликты как фактор распространения экстремизма в Южном федеральном округе: проблемы и пути преодоления // Актуальные проблемы уголовной и уголовно-процессуальной политики Российской Федерации. Материалы Всероссийской научно-практической конференции. Омск, 2014. С. 93-97.

[15] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 26 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги. // Ҳалқ сўзи. 2018 йил 13 январь.

муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишни мақсад қилиб қўйди.

Шундай қилиб, ҳозирги кунгача экстремизмнинг вужудга келиш сабаблари, унинг моҳияти, мақсади, салбий оқибатлари ҳамда унинг олдини олиш муаммолари борасида республикамиз ва чет эл олимлари томонидан бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган ва ҳозирда ҳам давом этмоқда.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада диний экстремизмнинг сиёсий-фалсафий ва ҳуқуқий таҳлили, унга нисбатан олимларнинг турли ёндашувлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида учраётган айрим муаммоли ҳолатлар ва ёт ғоялар тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларга барҳам бериш юзасидан асосланган назарий-амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

******

В статье предоставлен политико-философский и правовой анализ религиозного экстремизма на современном этапе, различных и новых подходов ученых к нему, научных подходов и отдельных проблемных ситуаций, встречающихся в правоприменительной практике, разработаны обоснованные теоретические предложения и рекомендации органам внутренних дел по предупреждению и устранению этих угроз.

*****

This article presents a political, philosophical, and legal analysis of religious extremism today, various approaches of scholars to it, new scientific approaches, some problematic situations encountered in law enforcement practice, and the increasing spread of foreign ideas, and develops well-founded theoretical proposals and recommendations for the internal affairs bodies to prevent and eliminate these threats in a timely manner.

- ***К дню Конституции Республики Узбекистан***

Мавлюда АБДУЛЛАЕВА,
профессор Университета общественной безопасности

СОБСТВЕННОСТЬ, ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СВОБОДА И СОЦИАЛЬНОЕ ГОСУДАРСТВО: ЭКОНОМИКО-КОНСТИТУЦИОННЫЙ АНАЛИЗ

На наш взглядь для понимания по теме современных процессов представляется необходимым кратко обратиться к истокам реформ. Истоки современных реформ восходят к концу 1980-х и началу 1990-х годов, когда в Узбекистане начался постепенный, а затем ускоряющийся переход к многоукладной рыночной экономике, основанной на развитии кооперации, предпринимательства и активной приватизации государственной собственности. Этот исторический процесс создал основу для дальнейшей институциональной модернизации и закрепления принципов экономической свободы в конституционно-правовой системе страны. Параллельно осуществлялись политические и правовые реформы, направленные на формирование и развитие гражданского общества.

После обретения независимости в 1991 году Узбекистан прошёл через ряд экономических преобразований, ориентированных на развитие рыночной экономики и интеграцию в мировое хозяйство, что закономерно потребовало их закрепления на конституционном уровне.

С переходом к политике реформ и модернизации, особенно уже десятый год активно поддерживаемой Президентом Республики Узбекистан Ш. Мирзиёевым в последние годы, Узбекистан вступил в новый этап конституционных преобразований, направленных на усиление правовой защиты предпринимателей и инвесторов, укрепление социально-экономических прав граждан и формирование стабильного, предсказуемого делового климата. Указанные приоритеты получили нормативное закрепление в обновлённой Конституции Республики Узбекистан 2023 года [3]. В её основе лежит конституционный принцип,

согласно которому права и свободы человека и гражданина провозглашаются высшей ценностью (ст. 13), а их обеспечение признаётся высшей целью государства, которое обязано признавать, соблюдать и защищать эти права и свободы (ст. 54). В развитие данного принципа экономический блок Конституции закрепляет право собственности (ст. 41), гарантию свободы экономической деятельности и предпринимательства (ст. 65), неприкосновенность частной собственности (ст. 66), а также обязанность государства поддерживать благоприятный инвестиционный и деловой климат (ст. 67). В совокупности эти нормы определяют приоритет экономических прав и свобод в деятельности органов государственной власти.

Конституция независимого Узбекистана 1992 года [1]

После провозглашения независимости в 1991 году Узбекистан взял курс на рыночные реформы, что было закреплено в новой Конституции 1992 года. Экономический строй и права граждан в экономической сфере были пересмотрены. Основные изменения включали:

- *введение права частной собственности*: Конституция 1992 года впервые закрепила частную собственность как важный компонент экономического устройства;
- *свобода экономической деятельности и конкуренция*: был признан принцип экономической свободы, что обеспечило гражданам право заниматься предпринимательством и конкурировать на рынке;
- *диверсификация форм собственности*: наряду с государственной, признавались и развивались частная и кооперативная формы собственности;
- *переход к рыночной экономике*: акцент был сделан на постепенную либерализацию экономической системы, развитие малого и среднего бизнеса и активное привлечение иностранных инвестиций.

Конституция 1992 года заложила базу для перехода к многоукладной экономике, что позволило разнообразить структуру хозяйства и создать предпосылки для укрепления частного сектора. Вместе с тем конституционные положения этого периода в значительной степени носили рамочный характер и требовали дальнейшей конкретизации. Поправки, внесённые в Конституцию на рубеже 2000-х годов, постепенно

расширяли права частных владельцев и усиливали защиту имущественных интересов, однако не формировали комплексных и исчерпывающих гарантий для частного сектора, прежде всего в части предсказуемости регулирования и стабильности правоприменения.

***Обновлённая Конституция Республики Узбекистан 2023 года* [2]**

Обновлённая Конституция 2023 года демонстрирует значительный прогресс в укреплении правовых гарантий в этих сферах. Тенденция усиления правовой базы в отношении частной собственности и предпринимательской деятельности свидетельствует о переходе Узбекистана к более либеральной экономической модели, но адаптация правовой системы требует постоянного баланса между государственным контролем и свободой экономической деятельности, что обусловлено необходимостью обеспечения стабильности и справедливости. В этом контексте играет важную роль закрепление в Конституции принципов, которые обеспечивают экономическую свободу, и защищает интересы частных собственников, способствуя созданию благоприятной бизнес-среды и устойчивому экономическому росту.

Среди ключевых изменений и дополнений:

- *гарантии свободы предпринимательства и частной собственности* (статьи 41, 42, 65). Конституция 2023 года подтверждает и усиливает гарантии для частной собственности, подчеркивая её защиту и неприкосновенность, что стало важным шагом для правовой защиты бизнеса;

- *поддержка прав граждан в экономике*: новая редакция Конституции обращает особое внимание на защиту социально-экономических прав граждан и создание условий для их экономической самореализации, что также подкрепляет конституционную основу для экономических прав (статьи 42, 43, 45, 46, 48, 57);

- *расширение прав предпринимателей:* обновленная Конституция фокусируется на создании стабильного делового климата, стимулировании инвестиций и укреплении прав предпринимателей, что способствует интеграции в мировую экономику (статьи 55, 65, 67);

- *поддержка многоукладной экономики и стимулирование частной инициативы*: закреплены принципы многоукладности экономики,

опирающиеся на разнообразие форм собственности и свободу экономической деятельности (54, 65).

Защита прав частной собственности (статьи 41, 65, 66) [2] стала одной из центральных задач конституционной реформы, что обусловлено важностью доверия к правовой системе. Конституционные изменения закрепляют неотъемлемое право граждан и юридических лиц на частную собственность, что значительно укрепляет позиции малого и среднего бизнеса. Законодательно запрещено незаконное изъятие собственности (ст.65), что повышает уровень защищённости бизнеса и позволяет владельцам активов уверенно планировать долгосрочные вложения.

Текущая Национальная инвестиционная программа на 2023-2025 годы содержит около 800 проектов на сумму 55,4 млрд долларов США [3]. В 2024 году объем инвестиций достиг 35 миллиардов долларов, а экспорт - 27 миллиардов долларов. Динамика объема инвестиций в основной капитал за последние пять лет свидетельствует о том, что за этот период они возросли почти в 2,7 раза. Также, в первом полугодии 2025 года было освоено на 29,8 трлн сум больше, чем за тот же периоде 2024 года.

Введение новых социальных гарантий и усиление трудовой защищённости граждан стали одними из ключевых элементов конституционных изменений. Согласно обновлённой Конституции: «Узбекистан - суверенное, демократическое, правовое, социальное и светское государство с республиканской формой правления» (ст.1) Впервые в истории нашей страны закреплено на уровне Конституции, что Узбекистан является социальным государством. Это в первую очередь подчёркивает обязательство государства по обеспечению социальной справедливости, поддержке уязвимых слоев населения и созданию условий для достойной жизни всех граждан.

Реформы предусматривают право на труд и справедливую заработную плату, улучшение условий труда, а также защиту прав работников (ст.42). Конституция также закрепляет право граждан на объединение и коллективную защиту своих интересов, что способствует созданию здорового рынка труда. Такие изменения позитивно влияют на качество жизни населения, способствуют формированию стабильного человеческого капитала, а также росту производительности и

экономической активности. Если в 2018 году расходы государства на социальную политику составляли 35 трлн сумов, то в 2019 году - 61,3 трлн сумов, а в 2020 году - уже 105,5 трлн сумов. В 2025 году на социальную сферу приходится 52 % всех расходов государственного бюджета - 177,7 трлн сумов, в том числе на здравоохранение - 41,3 трлн сумов, что на 19,8 % больше, чем в 2024 году. Проводимая в последние пять лет политика последовательного наращивания социальных расходов способствует укреплению социальной сферы, улучшению уровня жизни населения и формированию устойчивой основы для экономического роста и повышения его конкурентоспособности. Отражением этих процессов стало обеспечение устойчивых и сравнительно высоких темпов экономического роста в республике, что, в свою очередь, создало возможности для сокращения уровня бедности: за последние четыре года Узбекистан продемонстрировал заметные результаты по снижению масштабов бедности. По данным последнего обследования бюджетов домохозяйств (ОБД), проведённого Национальным комитетом по статистике, уровень бедности снизился с 17% в 2021 году до 8,9% в 2024-м) [4]. Это свидетельствует о том, что доля населения, проживающего за национальной чертой бедности, за этот период сократилась почти наполовину. Ведётся большая работа по доведению в 2023-2025 годах до 80 процентов уровня охвата детей из бедных семей дошкольным образованием. Поставлена цель - к концу 2025 года сократить уровень бедности до 6 процентов. Она получилась.

Статус социального государства, закреплённый в Конституции (ст. 1), усиливает экономическую базу реформ за счёт развития человеческого капитала и устойчивости внутреннего спроса. Речь идёт о праве на труд и справедливую оплату, повышении стандартов охраны труда, защите прав работников, а также доступе к образованию и здравоохранению.

Первые результаты периода после принятия обновлённой Конституции показывают, что закрепление статуса социального государства в основном законе - не декларация. Это подтверждается практикой: реализуются масштабные программы социальной поддержки, совершенствуются институты социальной политики, постепенно улучшаются условия в ключевых сферах социальной жизни.

В заключение исследования, посвящённого эволюции конституционных принципов защиты экономической свободы и частной собственности в Узбекистане, можно отметить, что, проследив путь от советской модели, фактически исключавшей частную инициативу, к Конституции 1992 года, закрепившей многоукладность и частную собственность, и далее - к редакции 2023 года, усилившей гарантии собственности и свободы предпринимательства, мы фиксируем устойчивый сдвиг в сторону институциональной предсказуемости и защиты экономических прав. Это означает переход от преимущественно декларативных положений к более детализированным гарантиям и механизмам их реализации: снижаются транзакционные издержки и риск-премия, ускоряется оборот капитала, расширяется горизонт долгосрочных вложений, формируется более благоприятный инвестиционный и деловой климат. В этом контексте обновлённая Конституция выступает базовой институциональной основой устойчивого роста, задавая стабильные правила, поддерживая предпринимательскую активность и повышая социально-экономическую устойчивость страны.

При этом важно учитывать, что с момента принятия новой редакции Конституции прошёл относительно небольшой период, однако уже за это время были реализованы значимые шаги в сфере социальной политики, улучшения инвестиционного климата, цифровизации госуслуг и снижения регуляторных барьеров. Сам факт того, что уже в течение сравнительно короткого периода после принятия новой редакции Конституции началось внедрение конкретных программ и изменений в институтах, показывает, что заложенные в ней подходы не остаются только на бумаге. Вместе с тем устойчивый эффект этих преобразований будет зависеть от того, насколько последовательно и одинаково применяются нормы на практике, насколько понятными и удобными для участников рынка становятся процедуры, а также насколько надёжно и оперативно работают механизмы защиты инвесторов и рассмотрения экономических споров [5].

Таким образом, обновлённая Конституция создаёт необходимую, но не исчерпывающую основу для укрепления экономической свободы и защиты частной собственности. Дальнейшее исследование взаимодействия конституционных норм, отраслевого законодательства и

правоприменительной практики представляется ключевым условием более полной реализации заложенного потенциала: именно от того, насколько последовательно будут реализованы конституционные принципы в повседневной деятельности государственных органов, бизнеса и граждан, зависит способность Узбекистана закрепить за собой репутацию надёжной, открытой и предсказуемой экономики в средне- и долгосрочной перспективе. Как подчёркивает Президент Республики Узбекистан Ш.Мирзиёев в статье *«Центральная Азия на пороге новой эпохи»* [4], регион вступает в новый исторический этап, в котором формируется модель сотрудничества, основанная на взаимном доверии и солидарности. В этом контексте укрепление конституционных гарантий экономической свободы и частной собственности в Узбекистане можно рассматривать не только как внутренний фактор роста, но и как вклад в формирование предсказуемой, открытой и правовой среды в Центральной Азии.

Список использованной литературы:

1. Конституция Республики Узбекистан. Т.-«Узбекистон». 1992 г.

2. Конституция Республики Узбекистан. Т.-«Узбекистон». 2023 г.

Туркменистан напротив делает ставку на нейтральную дипломатическую риторику и продвижение образа экологически устойчивого государства. Основное внимание уделяется вопросам устойчивого землепользования и борьбы с опустыниванием, особенно в зоне Каракумов. В 2021 году в Ашхабаде прошла региональная конференция по вопросам устойчивого землепользования, в рамках которой была подтверждена концепция создания так называемого «зелёного пояса Каракумов» и введения технологий против засоления почв[7]. Туркменистан активно участвует в деятельности Конвенции ООН по борьбе с опустыниванием (UNCCD), а также реализует проекты в сотрудничестве с FAO, GEF и МБРР. В то же время, внутренняя закрытость системы экологического администрирования, ограниченность доступа к данным и закрытость общества существенно сдерживают потенциал экологической открытости и подотчётности.

Анализ национальных стратегий показывает, что страны Центральной Азии используют различные модели реагирования на экологические угрозы — от технократически-инновационной (Казахстан) и институционально-мобилизационной (Узбекистан), до модели экологической дипломатии и адаптационного выживания (Кыргызстан и Таджикистан). Однако всех объединяет один факт: экологическая безопасность всё чаще рассматривается как важнейший элемент государственной устойчивости и регионального сотрудничества. При наличии общих экосистемных проблем — таких как высыхание Арала, трансграничное водопользование, опустынивание и изменение климата — необходим переход от национально-замкнутых стратегий к согласованной региональной политике, базирующейся на обмене данными, общей инфраструктуре мониторинга, институциональной транспарентности и устойчивом международном партнёрстве.

---

[6] UN Water for Sustainable Development Conference. Final Report. — Dushanbe, 2022.

[7] UNCCD Central Asian Subregional Meeting on Land Degradation Neutrality. — Ashgabat, 2021. — URL: https://www.unccd.int.

Управление экологической безопасностью в странах Центральной Азии формируется в контексте глубоко укоренённых различий в политико-административных моделях, уровнях экономического развития и международной вовлечённости. Несмотря на общую природную уязвимость и наличие трансграничных вызовов (таких как вододефицит, деградация земель, изменение климата и опустынивание), государства региона демонстрируют разнотипные подходы к обеспечению экологической устойчивости. В современных условиях можно выделить четыре доминирующих модели: государственно-централизованную, многоуровневую (децентрализованную), регионально-интеграционную (экодипломатическую) и донорно-транснациональную.

Первый подход — государственно-централизованный преобладает в политических системах, где доминирует вертикаль исполнительной власти и административное регулирование. В таких условиях экологическая безопасность воспринимается как задача государственного контроля и мобилизационного управления. Примерами реализации этого подхода являются Узбекистан и Туркменистан.

Второй подход – в Туркменистане также преобладает централизованная модель, в рамках которой экологическая безопасность трактуется как часть государственной идеологии и внешнеполитического имиджа. Внешняя активность в рамках Конвенции ООН по борьбе с опустыниванием (UNCCD), участие в региональных форумах, продвижение инициативы по «зелёному поясу Каракумов» формируют образ экологически ответственного государства. Однако отсутствие прозрачности в сфере природоохранного мониторинга, ограниченный доступ к данным и слабая роль гражданского общества сдерживают развитие подлинно устойчивой модели управления[8].

Третьий подход – экологические угрозы в Центральной Азии носят ярко выраженный трансграничный характер: распределение воды в бассейнах Амударьи и Сырдарьи, проблемы Аральского моря, загрязнение атмосферы и почв — всё это требует координации и региональных соглашений. Однако политические разногласия, асимметрия интересов и институциональная слабость ограничивают возможности полноценного

[8] UNCCD Central Asian Subregional Meeting. — Ashgabat, 2021. — URL: https://www.unccd.int.

сотрудничества. Наиболее значимой структурой в этой сфере остаётся Международный фонд спасения Арала (МФСА, IFAS), функционирующий с начала 1990-х годов. Несмотря на формальные механизмы и участие всех пяти государств региона, эффективность фонда ограничена отсутствием обязательных механизмов реализации договорённостей и «экологическим эгоизмом» отдельных стран, стремящихся сохранить контроль над своими ресурсами.

Вместе с тем международные инициативы, такие как программа EU Green Central Asia и проект SPECA, предлагают перспективные инструменты координации. В частности, ЕС оказывает экспертную и финансовую поддержку в области климатической дипломатии, разработки совместных стратегий и обмена научными данными. Однако отсутствие механизма принуждения и разрыв между национальными стратегиями остаются основным барьером для глубокой интеграции.

Наконец, *четвёртый подход* — донорно-транснациональный заключается в активной роли международных организаций и финансовых институтов, таких как Всемирный банк, ПРООН, GEF, OSCE и GIZ. Эти структуры компенсируют нехватку технических, аналитических и финансовых ресурсов, способствуя запуску стратегических инициатив в области экологии. Так, Всемирный банк финансирует проекты по модернизации ирригационных систем в Узбекистане, восстановлению биоразнообразия и противодействию наводнениям. Программы GEF обеспечивают реализацию климатических инициатив, в том числе в сфере энергетики и охраны земель.

Таким образом, политико-административные подходы к обеспечению экологической безопасности в странах Центральной Азии демонстрируют значительную дифференциацию. Казахстан и Кыргызстан развивают элементы многоуровневого и технократического управления, Узбекистан и Туркменистан сохраняют элементы мобилизационной модели, в то время как региональная координация и международная поддержка выступают как дополняющие, но ещё недостаточно устойчивые механизмы. В условиях углубляющихся климатических и ресурсных вызовов, будущее экологической безопасности региона во многом будет зависеть от способности выстроить сбалансированную, интегрированную

и транспарентную модель управления, основанную на сотрудничестве, инновациях и верховенстве права.

В настоящее время можно выделить *четыре базовых подхода*, лежащих в основе национальных стратегий управления экологической безопасностью. *Первый* — государственно-централизованный — характерен для таких стран, как Узбекистан и Туркменистан. Здесь основную роль в формировании и реализации экологической повестки играет центральная власть. Экологическая политика выстраивается вертикально, в логике директивного администрирования. Примером служит Узбекистан, где в последние годы было предпринято несколько значительных шагов: учреждение Министерства экологии, охраны окружающей среды и климатических изменений, запуск программы «Яшил макон» (Зелёное пространство), в рамках которой к 2030 году планируется высадка более 1 миллиарда деревьев. Эта программа выступает не только как инструмент ландшафтного озеленения, но и как элемент политической мобилизации, формирования образа государства как ответственного экологического актора[9].

Второй – многоуровневом или децентрализованном — приоритет отдаётся включению местных сообществ, региональных властей, неправительственных организаций и научных институтов в систему принятия экологических решений. Такой подход формируется в Казахстане и отчасти в Кыргызстане. В Казахстане действует Концепция перехода к «зелёной экономике», принятая Указом Президента от 30 мая 2013 года № 577. В стране активно внедряются цифровые системы мониторинга качества воздуха и воды, реализуются меры по снижению углеродного следа, развиваются возобновляемые источники энергии[10]. Здесь экологическая политика всё чаще реализуется на стыке интересов государства, бизнеса и международных партнёров, что делает её гибкой и более адаптированной к региональным условиям.

[9] Мирзиёев Ш.М. Выступление на видеоселекторном совещании по вопросам реализации проекта «Зелёное пространство». — 2 февраля 2022 г. — URL: https://yuz.uz/uz/news/oilada-yangi-farzand-dunyoga-kelsa-unga-atab-nihol-ekilgan--prezident .

[10] Концепция перехода Республики Казахстан к "Зелёной экономике". — Утверждена Указом Президента РК от 30.05.2013 № 577. — URL: https://adilet.zan.kz/rus/docs/U1300000577.

Третьий – связан с транснациональной координацией и экологической дипломатией. Трансграничный характер большинства экологических проблем Центральной Азии – будь то водопользование, деградация земель, загрязнение атмосферы или опустынивание — делает невозможным их решение в рамках исключительно национальных границ. Наиболее известной региональной инициативой остаётся Международный фонд спасения Арала (МФСА), созданный в 1993 году. Однако его потенциал нередко оказывается ограниченным отсутствием действенных механизмов координации, различиями в интересах стран-участниц и слабой правовой основой. Более современные механизмы предлагает инициатива Европейского союза Green Central Asia, запущенная в 2020 году, целью которой является укрепление научного и политического сотрудничества в области изменения климата, управления водными ресурсами и устойчивого развития[11].

Наконец, *четвёртый* – донорно-транснациональный – отражает активную роль международных организаций, финансовых институтов и программ развития, таких как ПРООН, GIZ, Всемирный банк, Глобальный экологический фонд (GEF). Эти акторы играют важную роль в передаче технологий, обеспечении финансирования, формировании нормативных рамок и институционального дизайна. К примеру, Всемирный банк финансирует проекты по модернизации водной инфраструктуры в Узбекистане, улучшению экологического управления в Казахстане и снижению риска стихийных бедствий в Таджикистане. Однако устойчивость таких программ во многом зависит от способности стран-реципиентов институционализировать полученные практики и сделать их частью национального законодательства.

Следует отметить, что эффективность экологической политики в регионе остаётся ограниченной по ряду причин. *Во-первых*, наблюдается острый дефицит финансирования — доля экологических расходов в государственных бюджетах остаётся на уровне менее 1% ВВП. *Во-вторых*, сохраняется кадровый и экспертный дефицит: в большинстве стран отсутствуют устойчивые системы подготовки специалистов по экологическому праву, экологическому мониторингу и зелёному

[11] EU Green Central Asia. — European External Action Service. — URL: https://www.eeas.europa.eu

планированию. *В-третьих*, сохраняется фрагментация данных, отсутствие единой системы экологической статистики и прозрачных механизмов оценки эффективности реализуемых программ[12].

Тем не менее, позитивные тенденции имеются. Казахстан официально принял стратегию по достижению углеродной нейтральности к 2060 году, а Узбекистан — к 2030 году намерен довести долю ВИЭ в энергетике до 30%[13]. Кыргызстан и Таджикистан продолжают развивать сотрудничество в рамках Водной повестки ООН. Туркменистан активизирует участие в региональных форумах по опустыниванию. Всё это свидетельствует о постепенном переходе от реактивных моделей реагирования к более стратегическим, ориентированным на долгосрочные цели устойчивого развития.

Следовательно, успешное управление экологической безопасностью в странах Центральной Азии требует комплексного сочетания политической воли, институционального развития, международной солидарности и вовлечённости гражданского общества. Именно в интеграции усилий национальных и региональных структур, научного сообщества, международных институтов и местных сообществ лежит потенциал формирования устойчивой экологической архитектуры региона.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада XXI асрнинг кучайиб бораётган иқлимий, ресурс ва институционал чақириқлари контекстида Марказий Осиёдаги экологик хавфсизлик муаммоси кўриб чиқилади. Муаллиф экологик хавфсизликни бошқаришнинг асосий ёндашувлари – институционал, тармоқли, технократик ва гуманитар йўналтирилган ёндашувларни таҳлил қилади ҳамда уларнинг минтақа мамлакатлари: Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонда амалга оширилишининг ўзига хос хусусиятларини очиб беради. Сиёсий-маъмурий моделлар, институционал ислоҳотлар, трансчегаравий жиҳатлар ва халқаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

[12] UNEP. Emissions Gap Report. — Nairobi: UNEP, 2023. — С. 56–63
[13] UNDP Kazakhstan. National Strategy for Low-Carbon Development. — Astana, 2022

*****

В данной статье рассматривается проблема экологической безопасности в Центральной Азии в контексте нарастающих климатических, ресурсных и институциональных вызовов XXI века. Автор анализирует основные подходы к управлению экологической безопасностью — институциональный, сетевой, технократический и гуманитарно-ориентированный — и раскрывает специфику их реализации в странах региона: Казахстане, Узбекистане, Кыргызстане, Таджикистане и Туркменистане. Особое внимание уделяется политико-административным моделям, институциональным реформам, трансграничным аспектам и международному сотрудничеству.

*****

This article examines the issue of environmental security in Central Asia in the context of escalating climate, resource, and institutional challenges of the 21st century. The author analyzes the main approaches to environmental security governance—namely, the institutional, network-based, technocratic, and human-oriented models—and explores their specific implementation in the countries of the region: Kazakhstan, Uzbekistan, Kyrgyzstan, Tajikistan, and Turkmenistan. Special attention is given to political and administrative models, institutional reforms, transboundary dimensions, and international cooperation. The article concludes that there is a need to shift from fragmented national strategies to a coordinated regional policy based on the principles of sustainable development, transparency, and strategic coordination.

Донолар дейдики:

Одамлар ўрганган, одатланган ва кўпчиликка маъқул бўлган нарсага кўр-кўрона қаршилик кўрсатма.

Кичик нарсага эътиборсиз қарама, унинг фойдали ўрни бор, катта ишнинг керакли жойи бор.

Яхши хулқ яхшилик аломатидир.

Асоси бўлмаган фандан воз кечса ҳам бўлади.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Отабек МУҚИМБАЕВ,
Сирдарё вилояти ИИБ Ташкилий бошқарма бошлиғи,
ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССИДА ГУВОҲЛИК БЕРИШ: ҲУҚУҚ МАҚОМИНИНГ БАЪЗИ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШИ ХУСУСИДА

Гувоҳ институтига оид илк ҳуқуқий қарашларнинг қонунларда мустаҳкамланиши қадимий даврларга бориб тақалади, Ҳуқуқий манбалардан бири Бобил шоҳи Хаммурапи қонунларидир. Мазкур қонунларда *“Агар бирор шахс ёлғон гувоҳлик берса, бу ҳолат учун жиноий жавобгарлик белгиланади”,* – деган норма мавжуд бўлган.[1]

Қадимги ҳинд жамиятида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи Ману қонунларига кўра, қариндошлар, даъводан манфаатдор шахслар, шериклар, душманлар, илгари жавобгарликка тортилганлар, касалликка чалинганлар, тухматчилар, шоҳлар, ҳунармандлар, актёрлар, Веда олимлари, Веда талабалари, дунёвий ришталардан воз кечганлар, қуллар, ёлланма ишчилар, қариялар, ёш болалар, муҳтожлар, ақли заифлар ва ўғрилар гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин эмас эди. Шунингдек, ёлғон гувоҳлик берган шахсларга нисбатан – соқолини олиш, садақа йиғишга мажбур этиш, очлик ва ташналикка маҳкум қилиш каби жазо чоралари қўлланилган.[2] Ману қонунлари нормаларидан хулоса қилиш мумкинки, гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин бўлган шахслар доираси жуда чекланган бўлиб, бу ҳолат қадимги ҳинд жамиятининг диний-ахлоқий қадриятлари ва ижтимоий тузилиши билан бевосита боғлиқ эди.

Афина шаҳрида гувоҳлар суд жараёнида кўрсатма беришидан олдин қасамёд қилишган ва ушбу қасамёд муқаддас ҳисобланган. Агар гувоҳ қасамёд қилганидан сўнг ёлғон кўрсатма берганлиги аниқланса, унга нисбатан сургун ёки ўлим жазоси қўлланилган.[3]

Қадимги Рим ҳуқуқий тизимида гувоҳларнинг кўрсатмалари асосий исбот воситаларидан бири сифатида эътироф этилган, бир гувоҳнинг кўрсатмаси эса етарли деб топилмаган. Шунингдек, кимдир ёлғон гувоҳлик берса, у Тарпей қоясидан пастга улоқтирилиб қатл этилган. Агар

гувоҳ суд мажлисига келмаган бўлса, манфаатдор томон унинг уйи олдига бориб, уч кун давомида уни инсофга чақирган.[4]

Гувоҳ институтига оид илк ҳуқуқий тушунчалар нафақат юқорида қайд этилган қадимий давлатларда, балки ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳам жуда қадимдан шаклланган ҳамда илк қарашлар милоддан аввалги ВИ асрда ёзилган “Авесто”да ҳам қайд этган. Зардуштийлик таълимотига кўра, ёлғон сўзлаш ва ёлғон гувоҳлик бериш, шунингдек ёлғон кўрсатма орқали бировни алдаш гуноҳ, яъни жиноят ҳисобланган. Бундан ташқари, “Авесто”да аёлларнинг гувоҳ сифатида кўрсатма бериш ҳуқуқи мавжудлиги алоҳида таъкидланган.[5]

Ўзбекистон тарихига нисбатан Қорахонийлар давлати даврида (мусулмон ҳуқуқи асосида) судда исбот кучига эга бўлган асосий восита гувоҳларнинг кўрсатмалари бўлган. Гувоҳ сифатида ақли расо, шахсан озод ва обрўли эркак ва аёллар иштирок эта олишган, аммо икки аёлнинг кўрсатмаси бир эркакнинг кўрсатмасига тенг ҳисобланган. Гувоҳлик кўрсатмаси бериш — фарз, яъни мусулмоннинг диний бурчи ҳисобланган ва била туриб ундан бўйин товлаш мумкин бўлмаган. Шу билан бирга, қуллар, чўрилар, туҳматда айбланганлар, мотам маросимида йиғловчилик билан шуғулланувчилар, тақиқланган ичимликка ўрганганлар, қуш овчилари, илгари қаттиқ жиноят содир этганлар, судхўрлар, ўйинчилар ва думбул шахслар гувоҳ сифатида иштирок эта олмаганлар.[6]

XIII аср бошларида Чингизхон томонидан Улуғ қурултойда эълон қилинган *“Великая Яса”* (Ясо) қонунлари тизими, академик В.В. Бартольд ва Б.Я. Владимирцов маълумотларига кўра, мўғул ҳукмронлиги остидаги барча ҳудудларда, жумладан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳам татбиқ этилган. Мазкур қонунлар тизимида ёлғон гувоҳлик бериш учун ўлим жазосигача бўлган қаттиқ чоралар белгиланган эди.[7]

XIV–XV асрларда буюк Амир Темур даврида ёлғон гувоҳлик жиноий жавобгарлик асоси бўлган ва жазо чоралари белгиланган. Судларда айбдорлик фақат тўрт гувоҳнинг кўрсатмаси билан тасдиқланганда жазо қўлланилган. [8] Бу ниҳоятда адолатли ҳолат эди.

Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида айбдорликни аниқлашда шариат қонунлари асос бўлиб хизмат қилган ва икки гувоҳнинг кўрсатмаси жазо

тайинлаш учун етарли деб ҳисобланган. Гувоҳликнинг мазмуни ва айбнинг оғирлигига қараб турли жазо чоралари қўлланилган.[9]

Бухоро амирлиги даврида гувоҳ фақат ўз кўзи билан кўрган ёки шахсан билган ҳолатлар ҳақида кўрсатма бериши лозим бўлган. Бошқа шахсдан эшитган маълумотлар расмий гувоҳлик сифатида тан олинмаган. Шунингдек, вояга етмаганлар, қуллар, ғайридинлар, туҳматчилар, иғвогарлар, ёлғончилар, қасамхўрлар, жазога тортилганлар ва яқин қариндошлар гувоҳ бўла олмаганлар. Айрим жиноят ишларида икки эркак гувоҳ, айрим оғир ишларда эса тўрт эркак гувоҳ иштирок этиши талаб қилинган. Бир эркак гувоҳнинг ўрнига икки аёлнинг кўрсатмаси тенг деб топилган. Гувоҳлар кўрсатмаларининг мазмунида зиддият пайдо бўлса, барчаси ёлғон гувоҳлик берганлик учун жавобгарликка тортилган.[10]

Қўқон хонлиги даврида гувоҳлик шариатда асосий далиллардан бири ҳисобланган. Гувоҳ берувчи мусулмон бўлиши шарт бўлган, бошқа дин вакилларининг кўрсатмалари қабул қилинмаган. Диний қоидаларни тўла бажариб келган шахснинг гувоҳлиги эътиборли ҳисобланган, айниқса, рухонийлар ва закот тўловчиларнинг кўрсатмаларига юқори баҳо берилган. Икки аёлнинг гувоҳлиги битта эркакнинг гувоҳлигига тенг бўлган, қасамёд эса жиддий далил сифатида қабул қилинган. Ёлғон гувоҳлик учун дарра билан уриш, бадарға қилиш ёки қатл каби жазо чоралари қўлланилган.[11]

Хива хонлигида ҳам асосий ҳуқуқий манба сифатида “Ҳидоя” асаридан фойдаланилган ва гувоҳлик муносабатлари юқорида келтирилган талабларга мувофиқ кўриб чиқилган. Умуман, миллий давлатчилигимиз ва қонунчилик тарихи ўзига хос бўлиб, ҳудудда турли давлатлар ташкил топган ва ҳар бирида ўзига хос қонунчилик тизими мавжуд бўлган. Шу билан бирга, тарихий ҳуқуқ манбаларининг барчаси бизгача тўлиқ етиб келмаган...

Тарихий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, VIII асрдан XIX аср охирига қадар давлат тузилмаларида жиноят ва жазо тизими шариат ва одат нормалари асосида амал қилган. Суд ишлари қозилар томонидан мусулмон ҳуқуқи асосида кўриб чиқилган. Бу даврда ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида кўрсатма бериш ҳуқуқига эга бўлмаган, гувоҳлик ҳуқуқи шахснинг ижтимоий мақоми ва шахсий фазилатларига боғлиқ бўлган.

Кейинги даврларда подшо Россияси томонидан босиб олиниб, маъмурий бошқарув улар қўлига ўтганидан сўнг ҳам муайян вақт давомида жиноят ва жазо тизими одат нормалари ҳамда шариат қонунлари асосида амал қилган. 1864 йилда амалга оширилган суд ислоҳотлари натижасида Жиноят-процессуал низоми қабул қилинди ва бу шубҳасиз, жиноий одил судлов тизимининг шаклланишидаги муҳим босқич бўлди. Ушбу низом нормаларининг бир қисми гувоҳнинг ҳуқуқий мақомига бевосита таъсир кўрсатди. Хусусан, гувоҳлик имтиёзлари — яъни судланувчининг турмуш ўртоғи ёки яқин қариндошларига қарши кўрсатма бермаслик ҳуқуқи қонунан мустаҳкамланди. Гувоҳнинг қасамёд қилиши тартибга солинди ва назарий жиҳатдан, қасамёд гувоҳнинг эҳтиёткор ва ҳаққоний кўрсатма беришини таъминловчи кафолатлардан бири сифатида қаралди.

Жиноят-процесси Низомида гувоҳлик мақоми қасамёд қилиш билан тенглаштирилган. Низомнинг 711-моддасига кўра, гувоҳлар суд мажлисида қасамёд қилишлари шарт эди. Ҳар ким қасамёдни ўз дини маросимига кўра амалга оширган. Низомнинг 706-моддасида эса 14 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар, шунингдек қасамёднинг мўқаддаслигини англай олмайдиган ақли заиф шахсларга гувоҳлик бериш тақиқланган. Томонлардан бири эътироз билдирса, қасамёд билан кўрсатма беришга рухсат этилмаган айрим шахслар тоифаси ҳам мавжуд бўлган.[12]

Совет ҳокимияти даврида 1922 йил 25 майда РСФСРнинг биринчи Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинди. Унда 1864 йилги Низомнинг кўплаб қоидалари, шу жумладан гувоҳликка оид нормалар сақланиб қолди. Кодекснинг 65-моддасида гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин бўлмаган икки тоифа шахс белгиланди: айбланувчининг иши бўйича ҳимоячиси ва жисмоний ёки руҳий нуқсонлари туфайли воқеаларни тўғри идрок эта олмайдиган ҳамда ҳаққоний кўрсатма бера олмайдиган шахслар. Гувоҳ чақирувга кўра келишга ва иш бўйича ўзига маълум барча ҳолатларни баён этишга мажбур. Гувоҳнинг кўрсатма беришдан бош тортиши ёки узрсиз келмаслиги ҳолатларида терговчи ишни судга юбориши мумкин эди (64 ва 66-моддалар). Шунингдек, гувоҳларга терговчи ҳаракатларидан шикоят қилиш, чақирув билан боғлиқ харажатларни ундириш, баённомага тузатишлар киритиш ва кўрсатмани шахсан ёзиш ҳуқуқлари берилган.[13]

Юқоридаги процессуал қонун ҳужжатларидан кўриниб турибдики, гувоҳ асосан исбот манбаи сифатида кўрилган ва унга нисбатан мажбуриятлар юкланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, мутлақо янги миллий ҳуқуқий тизим яратилди. У мамлакат суверенитети билан бирга босқичма-босқич ривожланди ва жиноят процессуал ҳуқуқи соҳасини қамраб олди. Жиноят процессуал ҳуқуқи жиноят ишларини юритиш тартибини, иштирокчилар мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди. Унинг асосий манбаи – 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексидир. Кодекс тузатилган ва тўлдирилган ҳолда янги таҳрирда қабул қилинди.

Мазкур кодексининг 6-боби жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар ҳуқуқий мақомини белгилайди ва улар қаторида гувоҳ алоҳида субъект сифатида қайд этилган. 65-моддага кўра, жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин. 66-моддада гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган: агар сўроқ тилини билмаса, она тилида кўрсатма бериш ва таржимон хизматидан фойдаланиш, таржимонни рад этиш, кўрсатмани шахсан ёзиш, баённома билан танишиш, унга қўшимча ва тузатишлар киритиш, ҳужжат ва ёзма белгилардан фойдаланиш, ўз манфаатини ҳимоя қилиш ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд қарорларидан шикоят қилиш ҳуқуқлари шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, гувоҳ суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд чақирувига келиш, ўзига маълум барча ҳолатларни ҳаққоний баён этиш, берилган саволларга жавоб бериш, маълумотларни сўроқ қилувчининг рухсатисиз ошкор этмаслик ва тергов ҳамда суд жараёни тартибини сақлаш мажбуриятига эга. Гувоҳнинг келмаслиги ёки ёлғон кўрсатма бериши жавобгарликка олиб келиши белгиланган. Чақирув билан боғлиқ харажатларни қоплаш ҳуқуқи, иш жойида ўртача даромадни сақлаб қолиш имконияти ҳам таъминланган.

Шундай қилиб, гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш тартиби кодексда белгиланиб, сўроқ қилина олмайдиган ёки розилиги билан сўроқ қилинадиган шахслар тоифаси кўрсатмага кўра бош тортишга йўл

қўйилмайди. Вояга етмаганларни сўроқ қилишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд.[14]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ураков Д.Ж. ва бошқа. Жаҳон тарихи. Дарслик. 1-Т.1-Қ Тошкент “Innovatsiya ziyo” - 2020. 73-74-б.

2. Перевод Эльмановича С.Д. “Законы Ману”. Москва “Эксмо-Пресс”- 2002. С. 277-282.

3. Маматаева Ш. Жиноят процесси иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашнинг пайдо бўлиш тарихи. “Жамият ва инновациялар” журнали. 15.08.2023 й. 28-32-б.

4. Топилдиев В.Р. Рим ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент “Янги аср авлоди”. 2013 47,51,231-б.

5. Ҳамидова М. ва Муҳиддинова Ф. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Ўқув қўлланма. Тошкент-2011. 107 ва 137-бет.

6. Муқимов З. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Дарслик. “Адолат-2003”. 128-129-бет.

7. Бартольд Василий Владимирович // Ислам на территории бывшей Российской империи. – Выпуск 3. – М.: Издательская фирма «Восточная литература». РАН, 2001. – С. 17–19.

8. Муқимов З. Амир Темур тузуклари. Самарқанд-2008. 56,99-б.

9. Ҳамидова М. ва Муҳиддинова Ф. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Ўқув қўлланма. Тошкент-2011. 301-б.

10. Шодиев Ж.М. Бухоро амирлиги давлатчилигининг ривожланиши. Ўқув қўлланма. Тошкент-2010. 63-64-б.

11. Муаллифлар жамоси. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. Дарслик. Тошкент- 2012, 160-161-б.

12. Устав уголовного судопроизводства. В Царском Селе. 20.11.1864 г.

13. Уголовно-процессуальный кодекс РСФСР 1922 г. 25.05.1922 г.

14. Жиноят-процессуал кодекси. 01.04.1995. 2023 й.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада жиноят процессида гувоҳ институтининг тарихий ривожланиши ёритилган. Унда қадимги давлатлар – Бобил, Ҳиндистон, Афина, Рим ва бошқа ҳудудларда гувоҳлик институтига оид дастлабки қарашлар ҳамда улар асосида шаклланган нормалар таҳлил қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида гувоҳларнинг ҳуқуқий мақоми “АВЕСТО” мусулмон ҳуқуқи ва тарихий давлатлар қонунчилиги мисолида кўриб чиқилган. Тадқиқот натижалари гувоҳ институтининг диний, ахлоқий ва ижтимоий қадриятлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда шаклланганини кўрсатади.

*****

В данной статье рассматривается историческое развитие института свидетеля в уголовном процессе. Анализируются первые правовые представления о свидетельстве в древних государствах — Вавилоне, Индии, Афинах, Риме и других, а также их влияние на формирование норм.

Отдельное внимание уделено правовому положению свидетелей на территории современного Узбекистана на основе «Авесты», мусульманского права и законодательства исторических государств. Результаты исследования показывают, что институт свидетельства развивался в тесной связи с религиозными, нравственными и социальными ценностями.

*****

This article explores the historical development of the institution of the witness in criminal procedure. It examines the earliest legal concepts of testimony in ancient states such as Babylon, India, Athens, Rome, and others, as well as their influence on the formation of legal norms. Special attention is given to the legal status of witnesses in the territory of present-day Uzbekistan, based on the Avesta, Islamic law, and the legislation of historical states. The study concludes that the institution of witnessing was closely intertwined with religious, moral, and social values throughout history.

Umidbek OTAYEV,
Malaka oshirish instituti O‘quv-uslubiy bo‘limi o‘qituvchi-metodisti, kapitan

ICHKI ISHLAR ORGANIDA ISHLASH UCHUN KASBIY MOSLASHUVCHANLIKNING AYRIM PEDAGOGIK MEXANIZMLARI

Zamonaviy xavfsizlik faoliyati nafaqat qonunlarni bilish yoki jismoniy kuchga ega bo‘lish, balki insonlar orasida ishonch, tezkor hamkorlik, o‘zaro tushunish hamda jamoaviy javobgarlikni his etishning murakkab tizimidir. Ayniqsa Ichki ishlar vazirligi kabi tashkilotlarda xodimlar doim hayot uchun xatarli, kutilmagan va tez o‘zgaruvchan muhitlarda harakat qilishadi, shu sababli bitta xodimning xatosi butun jamoaning xavfsizligini, aholi ishonchini hamda tizim obro‘sini xavf ostiga qo‘yishi mumkin. Shu jihatdan jamoaviy ishga moslashuv nafaqat “yaxshi munosabat” yoki “do‘stlik”, balki kasbiy xavfsizlikning tizimli poydevoridir, chunki xavfli vaziyatlarda guruhdagi har bir a’zoning harakati, so‘zi va reaktsiyasi nafaqat o‘ziga, balki butun jamoaga ta’sir qiladi. Aynan shu moslashuvning dastlabki bosqichida Ichki ishlar organlari xizmatiga qabul qilinadigan shaxslar uchun rasmiy ishga qabul qilinmasdan oldin o‘tkaziladigan boshlang‘ich kasbiy tayyorgarlik hisoblanadi, chunki aynan shu davrda bo‘lajak xodim nafaqat kasbiy bilimlarni egallash, balki jamoadoshi bilan ishlash madaniyatini, umumiy maqsad atrofida birlashish qobiliyatini, o‘zaro javobgarlik hissini hamda stressli muhitda ham samarali muloqot qilish ko‘nikmasini shakllantiradi. Mazkur jarayonlarda nafaqat bilim berish, balki bo‘lajak xodimni yangi kasbiy tizimga integratsiyalash, uning ichki dunyosini ichki ishlar tizimiga moslashtirish, shuningdek, jamoaviy identifikatsiyani shakllantirishning asosidir va aynan shu “men”dan “biz”ga o‘tish jarayoni jamoaviy ishga moslashuvning mohiyatidir.

Bu jarayon O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 15-apreldagi PQ-5076-sonli qarorining 3-bandida “Ichki ishlar organlarining safdor va ofitserlar tarkibidagi lavozimlariga birinchi marta tayinlangan xodimlarni

boshlang‘ich kasbiy tayyorgarlik bo‘yicha o‘quv dasturlari asosida o‘qitish”[1] aniq tartibga solingan bo‘lib, Bu talab faqat “o‘qitish”ni emas, balki o‘quv dasturlari asosida tizimli, integratsiyalashgan, amaliy yo‘naltirilgan ta’lim jarayonin” talab qiladi, ya’ni boshlang‘ich kasbiy tayyorgarlik ixtiyoriy tartib emas, balki bo‘lajak xodimni jamoaga integratsiyalashuvchi, psixologik jihatdan barqaror, axloqiy jihatdan mustahkam hamda kasbiy jihatdan samarali shaxsga aylantiruvchi pedagogik tizimdir. Shu tizimning yuragida esa jamoaviy ishga moslashuvni ta’minlovchi pedagogik mexanizmlar turadi.

Shu nuqtai nazardan kelib chiqib pedagoglar quyidagi tizimli va nazariy jihatdan asoslangan interfaol pedagogik mexanizmlardan foydalanishi zarur:

Birinchidan, kooperativ o‘qitishda Rossiyalik olim Vygotskiy L. S.ning “rivojlanishning yaqin zonasi” nazariyasiga asoslangan usuldir, unda tinglovchilar kichik guruhlarda birgalikda ishlaydi va bitta umumiy natijaga erishish uchun hamkorlik qiladi[2]. Guruhga “shahar markazida tartibni ta’minlash”, “aholi orasidagi norozilikni hal qilish”, “jamoat tartibini saqlash” kabi real hayotdagi vaziyatlarga yaqin topshiriqlar beriladi va rollar taqsimlanadi: boshliq (qaror qabul qiluvchi), aloqa xodimi (tashqi muloqot), kuzatuvchi (jarayonni nazorat qiluvchi), hisobot yozuvchi (natijani rasmiylashtiruvchi). Bu orqali har bir nomzod faol ishtirok etishga majbur bo‘lib, “Men jamoaning bir qismiman” degan hisni rivojlantiradi hamda o‘z hissasiga javobgarlikni o‘rganadi.

Ikkinchidan, rol o‘yinlari va situatsion mashqlar — bu stressli, noaniq yoki xavfli vaziyatlarni (masalan, fuqarolar gavjum joyda tartibsizlik, fuqarolarning noroziligi, favqulodda vaziyat) sun’iy ravishda simulyatsiya qilish orqali amalga oshiriladi. Bunday mashqlar Amerikalik olim Goleman D. nazariyasidagi “Emotsional aqllilik”ni rivojlantirishga xizmat qiladi: nomzodlar o‘z his-tuyg‘ularini boshqarish, jamoadoshlarning emotsiyalarini sezish, konfliktni hal qilish kabi ko‘nikmalarni amalda o‘rganadi[3]. Natijada ular

[1] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-5076-sonli qarori. “Ichki ishlar organlari uchun professional kadrlarni tayyorlashning sifat jihatidan yangi tizimini joriy etish bo‘yicha chora-tadbirlar to‘g‘risida”. 2021-yil. 15-aprel.3-band. https://lex.uz/docs/5076.

[2] Vygotskiy L. S. Ijtimoiy-madaniy nazariya asoslari / tarj. N. Q. Karimova. — Toshkent: Sharq, 2020. — 63-b.

[3] Goleman, D. Emotsional aqlli xodim: jamoaviy ish sirlari / tarj. F. Tursunov. — Toshkent: Yangi asr avlodi, 2021. — 104- b

Stressda ham o‘zimni yo‘qotmay, jamoadoshim bilan muloqot qila olaman degan ishonchni hosil qiladi.

Uchinchidan, Mentorlik tizimi har bir o‘quv guruhiga tajribali xodim mentor biriktiriladi. Mentor nafaqat bilim beruvchi, balki jamoaviy madaniyat, muloqot uslubi, psixologik barqarorlik va axloqiy qadriyatlar bo‘yicha tirik namuna sifatida xizmat qiladi. Bu tizim psixologik Karimova N.I. ta’kidlaganidek, “psixologik omon qolish strategiyasini” amalga oshirish vositasi hisoblanadi[4], chunki sohaga yangi kirayotgan xodim mentor orqali tizimda ishonchli va xavfsiz munosabat qura oladi.

To‘rtinchidan, refleksiv muzokaralar (debriefing) har bir amaliy mashqdan so‘ng guruh a’zolari o‘z faoliyatini tahlil qiladi: “Biz jamoaviy qaror qabul qildikmi?”, “Kimning fikrini eshitmasdan qoldik?”, “Qanday xato qildik?”, “Kelajakda nima qilishimiz kerak?”. Bu jarayon o‘z-o‘zini tahlil qilish, tanqidiy fikrlash va jamoadoshga hurmat ko‘nikmalarini rivojlantiradi hamda Amerikalik olim Kolbning tajribaviy o‘qitish nazariyasining “amal → tajriba → tahlil → umumlashtirish”[5] siklini to‘liq amalga oshiradi.

Beshinchidan, jamoaviy baholash tizimi — baholash faqat o‘qituvchi tomonidan emas, balki guruhdoshlar o‘rtasida ham amalga oshiriladi. Har bir nomzod o‘z guruhdoshlarini hamkorlik darajasi, muloqot sifati, vazifaga mas’uliyati va jamoaviy javobgarlik mezonlari bo‘yicha baholaydi. Bu tizim “Men faqat o‘qituvchiga emas, balki jamoamga ham hisob beraman” degan ichki nazoratni shakllantirib, Amerikalik olim J. Katzenbach modelidagi “o‘zaro javobgarlik”ni mustahkamlashga xizmat qiladi[6].

Bu barcha mexanizmlar alohida emas, balki o‘zaro bog‘langan tizim sifatida ishlaydi: kooperativ o‘qitish — amaliy maydon, rol o‘yinlari — real simulyatsiya, mentorlik — yo‘l ko‘rsatuvchi, refleksiya — tahlil vositasi, jamoaviy baholash — motivatsiya hamda nazorat manbai. Aynan shu tizim orqali jamoaviy ishga moslashuv — nazariy bilim emas, balki hayotiy tajriba orqali singdiriladigan ko‘nikmaga aylanadi.

---

[4] Karimova N. I. Guruh dinamikasi va professional identifikatsiya // Psixologiya jurnali. — 2021. — №3. — 112 b.

[5] Kolb, D. A. Experiential Learning: Experience as the Source of Learning and Development. — 2nd ed. — Upper Saddle River, NJ: FT Press, 2015. — P. 38.

[6] Katzenbach J. R., & Smith, D. K. The Wisdom of Teams. — Harvard Business Review Press, 1993. — P. 21

Xulosa o‘rnida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 15-apreldagi PQ-5076 qarorining 3-bandida ko‘rsatilgan “boshlang‘ich kasbiy tayyorgarlik bo‘yicha o‘quv dasturlari asosida o‘qitish” talabi — faqat rasmiy tartib emas, balki zamonaviy xavfsizlik kadrlarini tayyorlashning sifat jihatidan yangi chorasidir. Bu yondashuvda jamoaviy ishga moslashuv o‘quv dasturlarining asosiy tarkibiy qismi sifatida qaralishi kerak, chunki Ichki ishlar organlarining barqarorligi nafaqat kuchli shaxslarga, balki ulardan tashkil topgan kuchli jamoalarga bog‘liq. Yuqoridagilarni inobatga olib jamoaviylikni inson rivojlanishining asosi sifatida qabul qilish va shu sababli boshlang‘ich kasbiy tayyorgarlik davridagi har bir dars mashg‘uloti jamoaviy integratsiya, psixologik barqarorlik hamda kasbiy hamkorlik bilan bog‘langan bo‘lishi lozim. Aynan shu tamoyilga amal qilish orqali O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi nafaqat huquqbuzarliklarga qarshi kurashuvchi, balki fuqaroga ishonchli, barqaror hamda jamoaviy jihatdan integratsiyalashgan tashkilotga aylanadi va boshlang‘ich kasbiy tayyorgarlik o‘tishni dastlabki eng muhim qadimidir, chunki kuchli tizim, kuchli jamoalardan tashkil topadi, kuchli jamoalar esa to‘g‘ri pedagogik mexanizmlar orqali shakllanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PQ-5076-sonli qarori. “Ichki ishlar organlari uchun professional kadrlarni tayyorlashning sifat jihatidan yangi tizimini joriy etish bo‘yicha chora-tadbirlar to‘g‘risida”. 15-aprel, 2021-yil. 3-band. https://lex.uz/docs/5076.

2. Vygotskiy L. S. Ijtimoiy-madaniy nazariya asoslari / tarj. N. Q. Karimova. – Toshkent: Sharq, 2020. – 63-b.

3. Goleman D. Emotsional aqlli xodim: jamoaviy ish sirlari / tarj. F. Tursunov. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2021. – 104-b.

4. Karimova N. I. Guruh dinamikasi va professional identifikatsiya // Psixologiya jurnali. – 2021. – №3. – 112-b.

5. Katzenbach J. R., & Smith, D. K. The Wisdom of Teams. – Harvard Business Review Press, 1993. – P. 21.

6. Kolb D. A. Experiential Learning: Experience as the Source of Learning and Development. – 2nd ed. – Upper Saddle River, NJ: FT Press, 2015. – P. 38.

REZYUME

Maqolada ichki ishlar sohasiga kiruvchilarning boshlang‘ich kasbiy tayyorgarlik davrida jamoaviy ishga moslashuvini ta’minlovchi pedagogik mexanizmlar keng yoritilgan. Kooperativ o‘qitish, rol o‘yinlari, mentorlik, refleksiv muzokaralar va jamoaviy baholash kabi interfaol usullar tizimli ravishda tahlil qilingan.

*****

В статье подробно освещены педагогические механизмы, обеспечивающие адаптацию к совместной работе на этапе начальной профессиональной подготовки лиц, поступающих в органы внутренних дел. Системно проанализированы интерактивные методы, такие как кооперативное обучение, ролевые игры, наставничество, рефлексивные обсуждения и коллективная оценка.

*****

The article thoroughly examines the pedagogical mechanisms that ensure effective adaptation to teamwork during the initial professional training of individuals entering the internal affairs sector. Interactive methods – such as cooperative learning, role-playing, mentoring, reflective debriefings, and peer assessment – are systematically analyzed.

М У Н Д А Р И Ж А

Бош муҳаррир минбари 3

ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАР

Ўзбекистон халқига байрам табриги 4
Праздничное поздравление народу Узбекистана 7
Олимжон АҲМЕДОВ. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – маҳалла ва жамият тараққиётининг муҳим омили 10
Хуршидбек РЎЗИЕВ. Ватанга садоқат – она тилига муҳаббатдан бошланади 17

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

Нурали ҲАҚБЕРДИЕВ. Хорижий давлатлар полиция ходимлари тажрибаси ҳамда уни ИИО қўллашнинг ўзига хос айрим хусусиятлари 25
Улугбек РАСУЛЕВ. Некоторые меры предупреждения торговли людьми осуществляемые органами внутренних дел 34
Абдумурад ҲАҚБЕРДИЕВ. Ҳакамлик битими тарафлари низони ҳакамлик судига ҳал қилиш учун топширишнинг баъзи жиҳатлари 41
Ҳусан ТУРАББАЕВ. Ёшлар ўртасида жиноятчилик профилактикасининг айрим ҳуқуқий-психологик механизмлари 51
Шерзод УБАЙДУЛЛАЕВ. Диний экстремизмнинг айрим сиёсий, фалсафий ва ҳуқуқий таҳлили ҳамда илмий ёндашувлар 58
Мавлюда АБДУЛЛАЕВА. Собственность, экономическая свобода и социальное государство: экономико-конституционный анализ 65
Музаффар ТОЖИБОЕВ., Даврон РАЗАКОВ. Хорижлик Ўзбек диаспоралари 73

ИЛМИЙ АХБОРОТЛАР

Сино Хотами ХУСЕЙНЗОДА. Некоторые вопросы юридического критерия ограниченной вменяемости в уголовном праве 81
Шароф АГАБАЕВ., Шахризода АҲМЕДОВА. Некоторы проблемы экологической безопасности в Новом Узбекистане 90
Отабек МУҚИМБАЕВ. Жиноят-процессидаги гувоҳлик бериш: ҳуқуқ мақомининг баъзи тарихий ривожланиши хусусида 100
Umidbek OTAYEV. Ichki ishlar organida ishlash uchun kasbiy moslashuvchanlikning ayrim pedagogik mexanizmlari 107

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

Журналда диссертацияларнинг асосий натижаларига оид илмий мақолалар эълон қилиш учун ТАЛАБЛАР

1. Чоп этиладиган материалларни тақриздан ўтказишнинг мажбурийлиги (зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ОАК сўрови асосида тегишли тақризни тақдим этишнинг мажбурийлиги).

2. Мақола тайёрланган ташкилотнинг тавсия хати.

3. Чоп этиладиган илмий мақола қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

– ўзбек, инглиз ва рус тилларида қисқача резюменинг мавжуд бўлиши;

– фойдаланилган асосий адабиётларнинг аниқ келтирилиши ва мақоланинг камида 0,25 б.т. ҳажмида бўлиши;

– муаммонинг қўйилиши, материалнинг назарий методологик ва услубий жиҳатдан пухталиги, манбаларнинг ишончлилиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг асослилиги назарда тутилади.

4. Электрон варианти CD дискда бўлиши керак.

5. Мақола таҳририятга икки нусхада топширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий, маънавий-маърифий
ва сиёсий-ҳуқуқий журнал

№ 4 (15) 2025

Босишга рухсат этилди: 30.12. 2025. Буюртма № 181
Қоғоз бичими 60х84 1/32. Шартли б. т.-7,5.
Адади 100 нусхада чоп этилди.
100213, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани,
Ҳ.Бойқаро кўчаси, 27 а уй.